

ЖАҲОН ИҚТИСОДИЁТИ ВА ДИПЛОМАТИЯ УНИВЕРСИТЕТИ

Бобокулов И.И.

**ХАВФСИЗЛИК
ЛУҒАТ**

ТОШКЕНТ-2011

Бобокулов И.И. Хавфсизлик. Луғат. - Т.: Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети, 2011. – 147 б.

Мазкур луғатда хавфсизлик тадқиқотларида кенг қўлланиладиган ва нисбатан янги бўлган 130 дан ортиқ атама ва иборалар ўз аксини олган. Улар алифбо тартибида жойлаштирилган. Луғат мамлакатимиз хавфсизлик фани доирасида мавжуд тушунчаларни тизимга солиш борасидаги илк уринишлардан ҳисобланади.

Луғат талабалар, аспирантлар, тадқиқотчилар ҳамда хавфсизлик муаммолари билан қизиққан кенг китобхонлар оммаси учун мўлжалланган.

ҚИСҚАРТМА СЎЗЛАР ИЗОҲИ

АДТ	- Америка давлатлари ташкилоти
АИ	- Африка иттифоқи
АБТ	- Африка бирлиги ташкилоти
АНЗЮС	- Австралия, Янги Зеландия ва Америка Қўшма Штатлари
БМТ	- Бирлашган Миллатлар Ташкилоти
БОМКА	- Марказий Осиёда чегараларни бошқаришга кўмаклашиш бўйича дастур
ЕИ	- Европа иттифоқи
ЕврОСИҲ	- Евросиё иқтисодий ҳамжамияти
ЕХҲК	- Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик бўйича кенгаш
ЕХҲТ	- Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик бўйича ташкилот
ЖССТ	- Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти
ИНОГЕЙТ	- Европага нефть ва газ давлатлараро транспортировкаси дастури
КАДАП	- Марказий Осиёда наркотикларни тарқатишни олдини олиш бўйича дастур
КХШТ	- Коллектив хавфсизлик тўғрисидаги шартнома ташкилоти
МДХ	- Мустақил давлатлар ҳамдўстлиги
МДХ	- Мустақил давлатлар ҳамдўстлигининг Коллектив хавфсизлик тўғрисидаги шартномаси
КХШ	- Марказий Осиё ҳамкорлиги ташкилоти
МОҲТ	- Шимолий Атлантика шартномаси ташкилоти
НАТО	- Шимолий Атлантика шартномаси ташкилоти
ОҚХЖ	- Оролни қутқариш халқаро жамғармаси
ТАСИС	- Мустақил давлатлар ҳамдўстлиги учун техник ёрдам
ТРАСЕКА	- Европа-Кавказ-Осиё транспорт коридори лойиҳаси
ЦАРИКЦ	- Наркотикларнинг ноқонуний айланмаси билан кураш бўйича Марказий Осиё минтақавий ахборот-мувофиқлаштирув маркази
ШҲТ	- Шанхай ҳамкорлик ташкилоти
ШҲТ	- Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг Минтақавий аксилтеррор тузилмаси
МАТТ	- Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг Минтақавий аксилтеррор тузилмаси

Атамалар кўрсаткичи

А

Агрессия
Агрессор
Актор
Альянс
АНЗЮС
Анклав
«Ақлий марказлар»

Б

Бартараф этувчи (ёки олдини олувчи)
зарбалар
Бевосита агрессия
Билвосита агрессия
БМТнинг Хавфсизлик Кенгаши
«Болқонлашиш»
Бриан-Келлог пакти
Буш доктринаси
Буюк давлатлар

В

Версаль шартномаси
Вестфаль сулҳи
Вильсон доктринаси

Г

Геноцид
Голлизм
«Гуманитар интервенция»

Д

Давлат
Давлат хавфсизлиги
Давлат чегараларининг дахлсизлиги
принципи
Давлат чегараси
Давлатлар иродасининг
мувофиқлашуви
Давлатнинг халқаро-ҳуқуқий нуктаи-
назари

Р

Регионализм
Рейган доктринаси
Риск

С

Секьюритизация
Статус-кво
Стратегик тадқиқотлар

Т

Таҳдид
Таҳлика
Тенг ва бир хил хавфсизлик принципи
Тинчлик йўлида ҳамкорлик
Тинчликка таҳдид
Тинчликнинг бузилиши
Тинчликпарварлик
Трансмиллий акторлар
Трансчегаравий таҳдидлар
Трумэн доктринаси

У

Ути посидетис принципи

Х

Хавф
Хавфсизлик
«Хавфсизлик вакууми»
Хавфсизлик даражаси
Хавфсизлик дилеммаси
Хавфсизлик доктринаси
Хавфсизлик комплекси
Хавфсизлик концепцияси
Хавфсизлик объекти
Хавфсизлик режими
Хавфсизлик соҳаси
Хавфсизлик субъекти
Хавфсизлик тадқиқотлари
Хавфсизлик тизими

Десекъюритизация

Е

ЕИ

«Европа концерти»

ЕХХТ

Ж

Жамият хавфсизлиги

И

Иррегуляр кучлар

Ишончни мустаҳкамлаш чоралари

К

Клинтон доктринаси

Коллектив мудофаа

Коллектив хавфсизлик

КХШТ

Коллектив хавфсизликнинг
минтақавий механизмлари

Кооператив хавфсизлик

Куч ишлатиш ва куч билан таҳдид
қилишни тақиклаш принципи

Куч нуқтаи-назаридан сиёсат

Кучлар мувозанати

М

Марказий Осиё-Япония

Миллатлар Лигаси

Миллий манфаат

Миллий хавфсизлик

Миллий хавфсизлик концепцияси

Минтақа

Минтақавий хавфсизлик

Минтақавий хавфсизлик тизими

Минтақавий хавфсизлик ҳуқуқи

Минтақавий халқаро ташкилотлар

Минтақавийлашув

Монро доктринаси

«Муваффақиятсиз давлатлар»

Хавфсизлик ҳамжамияти

Хавфсизлик ҳуқуқи

Хавфсизликнинг бўлинмаслиги

Хавфсизликнинг минтақавийлашуви

Халқаро хавфсизлик

Халқаро хавфсизлик ҳуқуқи

Халқаро ҳуқуқ ва куч ишлатиш

Халқаро ҳуқуқда регионализм

Халқаро ҳуқуқнинг асосий
принциплари

Халқаро ҳукуматлараро ташкилотлар

Халқаро-ҳуқуқий воситалар

Ч

Чегараларни делимитация қилиш

Чегараларни демаркация қилиш

Чегараларни демилитаризация қилиш

Чегараларнинг бузмаслиги принципи

Ш

ШХТ

Шахс хавфсизлиги

Э

Эйзенхауэр доктринаси

Эрон-контрас

Ю

«Юмшоқ куч»

Я

Ядросиз ҳудуд

Ў

Ўзбекистон Республикасининг давлат
чегараси

Ўзини-ўзи мудофаа қилиш ҳуқуқи

Қ

«Қаттиқ куч»

Қуролли кучлар

Қуролли ҳужум

Мулоқот гуруҳи «6+2»

МДХ

Н

НАТО

Нейтралитет

О

ОҚХЖ

П

Превентив (олдини олувчи) зарбалар

Превентив ўзини-ўзи муҳофаа қилиш

Превентив чоралар

Ҳ

Ҳарбий база

Ҳарбий-сиёсий блок

Ҳарбий-сиёсий блоklarда иштирок

этмаслик принципи

Ҳарбий-сиёсий иттифок

Ҳудудий низо

Ҳудудни демилитаризация қилиш

СЎЗ БОШИ

Муҳтарам ўқувчи!

XX асрнинг 90-йиллари бошларида икки қутбли дунёнинг барҳам топиши билан боғлиқ воқеалар халқаро муносабатлар назарияси ва амалиётида ҳамда унинг тармоғи ҳисобланган «хавфсизлик тадқиқотлари»да туб ўзгаришларга олиб келди. «Совуқ уруш» билан боғлиқ ғоя ва қарашлар жиддий танқидга учради. Давлатлараро муносабатларнинг ўзаги - хавфсизлик омили – академик доиралар ва сиёсатчилар ўртасида жиддий мунозараларга сабаб бўлди. Энг кескин тортишувлар хавфсизликнинг замонавий талқини ҳамда Иккинчи Жаҳон урушидан кейин устивор аҳамият касб этиб келган хавфсизлик концепциясининг постбиполяр халқаро муносабатлар тизимининг янги воқелигига мос келиши борасида кечди.

Икки қутбли дунёнинг барҳам топиши хавфсизликнинг кенг қамровли ва комплекс табиатини очиб берди. Оқибатда ушбу мураккаб ижтимоий ҳодисанинг кўп қиррали хусусияти яққол намоён бўлди. Хавфсизлик тадқиқотларида эстатик ёндашувнинг емирилиши кузатилиб, унинг замонавий талабларга мос келмаслигини тасдиқловчи янги жиҳатлар юзага чиқди. Бир гуруҳ тадқиқотчилар собиқ Иттифоқ тимсолидаги ҳарбий таҳдиднинг барҳам топиши натижасида «хавфсизлик вакууми» вужудга келганлиги борасида фикр юритсалар, иккинчи бир гуруҳ, аксинча, «совуқ уруш»нинг тугаши экспертлар ҳамжамияти учун хавфсизлик ва у юзага келаётган дунё ҳақидаги анъанавий қарашларни қайта баҳолаш ва идрок этиш учун қулай шарт-шароит ва имконият яратганига урғу беради.

Ушбу ўринда таъкидлаш жоизки, бугунги кунда хавфсизлик муаммоларини мақсадли равишда қайта кўриб чиқиш зарурияти шахс, жамият ва давлатнинг ҳам назарий, ҳам амалий эҳтиёжлари билан белгиланади.

Ўқувчилар ҳукмига ҳавола этилаётган мазкур луғат халқаро муносабатларнинг замонавий тенденцияларини инобатга олган ҳолда тузилди. Луғат 130 дан ортиқ атама ва ибораларни ўзида мужассамлаштирган бўлиб, мамлакатимиз хавфсизлик фанида мавжуд тушунчаларни муайян тизимга солиш борасидаги илк уринишлардан бири ҳисобланади. Унда умумэътироф этилган ва илмий муомалада кенг қўлланиб келаётган тушунчалар билан бир қаторда хавфсизлик тадқиқотларида нисбатан янги ҳисобланган айрим атама ва ибораларга муаллифлик таърифлари ва изоҳлари берилган. Шунингдек, луғатда хавфсизликка оид асосий доктрина ва концепциялар ҳам ўз аксини топган.

Мазкур луғатни тузишда муаллиф халқаро-ҳуқуқий ҳужжатлар, Ўзбекистон Республикаси миллий қонунчилиги, халқаро ҳуқуқ ва халқаро муносабатларга оид дарслик ва луғатлардан, шунингдек, ўзбек, рус ва инглиз тилларидаги махсус адабиётлардан кенг фойдаланди.

Муаллиф луғат мазмунини бойитиш ва уни такомиллаштиришга хизмат қилиши мумкин бўлган танқидий фикр ва мулоҳазаларни миннатдорчилик билан қабул қилади.

А

Агрессия (лот. *aggressio*) – халқаро муносабатларда қуролли кучларнинг ҳуқуққа хилоф равишда қўлланиши. 1974 йилда БМТ Бош Ассамблеяси томонидан қабул қилинган *Агрессия таърифи* агрессияга – бирор-бир давлатнинг бошқа давлатнинг суверенитети, ҳудудий дахлсизлиги ёки сиёсий мустақиллигига қарши ёки ўзга бир тарзда БМТ Низомига зид ҳолда қуролли кучларни қўллаш, деб таъриф беради. Мазкур ҳужжат БМТ Низомининг 39-моддасида белгилаб қўйилган «агрессия акти» атамаси мазмунини бойитиб, қуйидаги хатти-ҳаракатларни агрессия акти сифатида баҳолайди: а) бирор-бир давлат қуролли кучларининг бошқа бир давлат ҳудудига бостириб кириши ёки ҳужуми, ёинки ҳар қандай муваққат характериға эға бўлишиға қарамай бундай бостириб кириш ёки ҳужум оқибатидаги ҳар қандай ҳарбий оккупация, ёинки бошқа давлат ҳудуди ёки унинг қисмини куч ишлатиш орқали аннексия қилиш; б) давлатнинг бошқа давлат ҳудудини қуролли кучлар ёрдамида бомбардимон қилиш ёки бир давлатнинг бошқа бир давлат ҳудудига қарши ҳар қандай тарзда қурол ишлатиши; с) бошқа давлат томонидан ўзга давлат портлари ёки қирғоқларини қуролли кучлар ёрдамида қамал қилиниши; д) бир давлат қуролли кучларининг ўзга давлатнинг қуруқлик, денгиз ёки ҳаво кучлари, ёки денгиз ва ҳаво флотига ҳужуми; е) шартнома асосида бошқа давлат ҳудудида жошлашган бирор-бир давлат қуролли кучларининг мазкур шартномада белгиланган шартларни бузиш орқали қўлланиши ёки шартнома муддати тугаган бўлишиға қарамай ушбу давлат ҳудудида белгиланган муддатдан ортик туриб қолиши; ф) давлатнинг ўзга бир давлатга тақдим этган ҳудудидан учинчи бир давлатга қарши агрессия актини содир этиш учун фойдаланишға имконият бериши билан боғлиқ хатти-ҳаракати; г) давлат ёки давлат номидан бошқа давлатга қарши юқорида санаб ўтилган ҳолатларға тенглаштириладиган, оғир салбий оқибатларни юзаға келтириш мақсадида қуролли кучларни қўллаш актларини амалға оширувчи қуролли тўдалар, гуруҳлар ва мунтазам кучлар ёки ёлланма шахсларни юбориш ёки ушбу жараёнларда сезиларли даражада иштирок этиш. Бироқ ушбу ҳолатлар агрессия акти қайд қилиб ўтилган якуний рўйхат эмас. Бош Ассамблеянинг номи тилға олинган ҳужжатининг 4-моддаси БМТ Хавфсизлик Кенгашиға ўзга ҳолатларни ҳам агрессия акти сифатида баҳолаш ваколатини беради. Қатор давлатларнинг *Агрессия таърифи* лойиҳасини ишлаб чиқиш жараёнида «иктисодий агрессия»ни ҳам «агрессия» тушунчасига киритиш таклифи инобатға олинмади. Қаранг: *Бевосита агрессия* ва *Билвосита агрессия*

Агрессор – агрессия актини содир этган давлат. Агрессия таърифидан келиб чиқиб, давлатни мазкур халқаро жиноятнинг ягона субъекти сифатида эътироф этиш мумкин. Ушбу ўринда икки ҳолатға эътиборни қаратиш лозим:

биринчидан, курулли кучлар институт сифатида суверен давлатга тегишли; иккинчидан, агрессия жиноятининг объекти - *суверенитет, худудий дахлсизлик ва сиёсий мустақиллик* ўз навбатида давлатларнинг мавжудлигини белгилаб берувчи фундаментал омиллар ҳисобланади. Қаранг: *Агрессия*.

Актор (инг. actor) – халқаро муносабатлар иштирокчиларини англатувчи умумлашма тушунча. Актор, одатда, халқаро муносабатларда ҳал қилувчи ва фаолияти муайян аҳамият касб этувчи иштирокчиларга нисбатан қўлланилади. Бироқ бу тугал хулоса эмас. Ҳозирда актор тушунчаси кенг маъно касб этиб, уни халқаро муносабатларнинг ҳар қандай иштирокчисига нисбатан, яъни давлатлар, халқаро ташкилотлар ва органлар, халқаро молиявий институтлар, трансмилий компаниялар ва шу кабиларга нисбатан қўллаш мумкин. Актор, ўз навбатида, халқаро тизим иштирокчиларини, уларнинг иерархиясига урғу бермаган ва ажратмаган ҳолда, кенг талқин этади.

Альянс (фр. alliance) – халқаро муносабатларда икки ва ундан ортиқ давлатнинг шартнома асосидаги уюшмаси. Альянс, биринчи навбатда, давлатларнинг муодофаа иттифоқи бўлиб, иштирокчи давлатларга курулли хужумга учраган аъзо-давлатга ҳарбий ёрдам кўрсатиш мажбуриятини юклайди. Альянс ўзаро муносабатларда кучлар мувозанатини таъминлаш ва/ёки унга интилиш тарзида намоён бўлиши мумкин.

АНЗЮС – 1951 йил 1 сентябрда Сан-Франциско шаҳрида имзоланган *Хавфсизлик тўғрисидаги шартнома* ёки *Тинч океани хавфсизлик пакти* асосида фаолият юритувчи коллектив муодофаа тизими. Тинч океанида тинчликни мустаҳкамлаш ва хавфсизликни таъминлаш шартноманинг асосий мақсади сифатида белгилаб қўйилган. Ташкилот номи шартнома иштирокчиларининг – Австралия, Янги Зеландия ва АҚШнинг – инглиз тилидаги номларининг бош ҳарфларидан олинган. АНЗЮСнинг асосий органи Кенгаш ҳисобланади. 1985 йилда Янги Зеландия ҳукумати Тинч океанининг ядросиз худуд мақомига қўшилишини маълум қилди ва ядро курулига эга АҚШ кема ва самолётларини ўзининг порт ва аэродромларига киришини тақиқлаб қўйди. Натижада, шартномага аъзо бу икки давлат ўртасида низо пайдо бўлди ва 1986 йилда АҚШ Янги Зеландияга нисбатан шартномада белгилаб қўйилган ўз мажбуриятлари ижросини тўхтатиб қўйди. Аини пайтда ушбу давлат шартноманинг де-юре иштирокчиси бўлиб қолмоқда, бироқ, де-факто АНЗЮС икки томонлама: АҚШ - Австралия форматида фаолият юритмоқда. Австралия ва Янги Зеландия курулли кучлари биргаликда 1965-1973 йилларда Вьетнамдаги курулли тўкнашувда иштирок этдилар. 2001 йил 11 сентябрь воқеаларидан сўнг Австралия курулли кучлари, Шартноманинг коллектив ўзини-ўзи муодофаа

қилиш бандига мувофиқ, Афғонистондаги ҳарбий ҳаракатларда иштирок этмокда.

Анклав (фр. enclave) – бошқа давлат ҳудуди билан қуршаб олинган давлат ҳудудининг бир қисмини англатувчи халқаро-ҳуқуқий тушунча. Анклав қайси давлатга тегишли ва унинг юрисдикцияси остида бўлса, ўша давлатнинг ажралмас таркибий қисми ҳисобланади. Агар мазкур ҳудуд у тегишли бўлган давлат билан денгиз ёки қуруқлик йўлаги орқали боғлиқ бўлса, у ҳолда бундай ҳудуд ярим анклав деб аталади. Анклав давлатларнинг ўзаро муносабатларида, айниқса, чегараларнинг халқаро-ҳуқуқий мақомини белгилаш (делимитация ва демаркация қилиш) жараёнида муҳим аҳамият касб этади. Марказий Осиёда саккизта анклав мавжуд. Уларнинг барчаси Фарғона водийсида жойлашган: Барак (Қирғизистон анклави) – Ўзбекистон ҳудудида, Сўх, Шоҳимардон, Тош-тепа ва Чўнғара (Ўзбекистон) ҳамда Ворух ва Қалача (Тожикистон) - Қирғизистон ҳудудида, Сарвак (Тожикистон) – Наманган вилоятининг Поп туманида жойлашган. Марказий Осиёда ҳудуд жиҳатдан энг катта анклав Сўх ҳисобланиб, унинг ҳудуди 325 кв. км. ва аҳолиси тахминан 60 мингдан ортиқ кишини ташкил этади. Одатда, анклавнинг халқаро-ҳуқуқий мақоми, унинг хавфсизлигини таъминлашда қуролли кучларнинг жойлаштирилиши ҳамда анклавни давлатнинг асосий қисми билан боғловчи транспорт коридорининг ҳуқуқий ҳолати алоҳида ҳукуматлараро битимлар асосида белгиланади.

«Ақлий марказлар» (инг. think tanks) – Герман Канн томонидан XX асрнинг 40-йилларида муомалага киритилган мазкур атама дастлабки пайтларда турли характерга эга стратегияларни муҳокама этиш мақсадида олимлар ва ҳарбийлар йиғиладиган хонани назарда тутган. 50-йилларнинг бошларига келиб, ушбу атама ўзга бир маъно касб этиб борди ва ҳарбий-сиёсий тадқиқотлар олиб боровчи ташкилотларга нисбатан қўллана бошланди. Бугунги кунда «ақлий марказлар» сиёсат соҳасида қўлланилиши лозим бўлган билимларга эга бўлиш ҳамда бу йўналишда тадқиқотлар олиб бориш мақсадида ташкил этилган институтларни назарда тутди. «Ақлий марказлар»нинг асосий функцияси – ғоялар ва уларни амалга оширишда объектив равишда юзага келадиган бўшлиқларни тўлдиришдан иборат. «Ақлий марказлар» АҚШ ва Европа Иттифоқи мамлакатларида кенг тарқалган. Бугунги кунда АҚШда 2 мингдан ортиқ аналитик марказлар мавжуд. Уларнинг аксарияти университетлар билан боғлиқ. «Ақлий марказлар» кўлами, молиявий манбалари ва вазифаларига кўра фарқланади. Уларнинг айримлари ҳам ички, ҳам ташқи сиёсатнинг муайян соҳаларига, бошқалари эса маълум бир минтақа муаммоларини ўрганишга ихтисослашадилар. Айрим «ақлий марказлар» йирик жамғармаларга эга; бошқалари эса шартнома асосида ҳам давлат, ҳам хусусий сектор учун бажарган хизматлари эвазига даромад оладилар; учинчилари, тўлиғича давлат

таъминотида. Бугунги кунда Ўзбекистонда қатор ҳукумат (масалан, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Стратегик ва минтақаларо тадқиқотлар институти), идоравий (Иқтисодий тадқиқотлар маркази) ва мустақил (Минтақавий сиёсат жамғармаси) каби «ақлий марказлар» фаолият юритмоқда.

Б

Бартараф этувчи (ёки олдини олувчи) зарбалар (Упреждающие (или превентивные) удары) – давлат хавфсизлигига қарши қаратилган таҳдидларни олдини олиш (бартараф этиш) мақсадида рақиб (қарши) томондан олдинроқ қуролли кучларни қўллашни англатувчи тушунча; таҳдид юзага келган вазиятда кучни биринчи бўлиб қўллаш имкониятига эга бўлишга уриниш. Бартараф этувчи (ёки олдини олувчи) зарбалар БМТ Низоми ёки бошқа халқаро-ҳуқуқий ҳужжатларда назарда тутилмаган. Бироқ, бартараф этувчи зарбаларнинг қўлланилиши муқаррар таҳдид хавфи остида олий миллий манфаатларни ҳимоя қилиш мақсадида оқланади. Бартараф этувчи зарбалар айрим давлатлар, хусусан, АҚШнинг миллий хавфсизлик стратегиясининг таркибий қисмига айланди. 80-йиллардаёқ АҚШнинг ўша пайтдаги давлат котиби Ж. Шульц «актив мудофаа» заруриятини ёқлаб чиққан эди. Таҳдиднинг муқарраллиги, айрим тадқиқотчиларнинг фикрича, шошилинич, чора-тадбирларнинг тезкорлиги ва бир томонлама куч ишлатиш заруриятини келтириб чиқаради. Ишончли разведка маълумотларининг мавжудлиги бундай зарбаларни қўллаш учун асоси бўлиб хизмат қилади. Бартараф этувчи зарбалардан фарқли ўлароқ, превентив зарбалар потенциал таҳдидларни олдини олишга қаратилган бўлади. Шунинг учун маневр қилиш, хатти-ҳаракатларни коллектив тарзда амалга ошириш ҳамда муқобил воситалардан фойдаланиш учун етарли вақт мавжуд бўлади. Қуролли ҳужумни (агрессия актини) бартараф этиш мақсадида қуролли кучларни ишлатишни назарда тутувчи превентив ўзини-ўзи мудофаа қилишдан фарқли ўлароқ, бартараф этувчи зарбалар давлатлар амалиётида миллий хавфсизликнинг бошқа таҳдидларини бартараф этиш мақсадида қўлланилган (масалан, террористик актларни ёки бирор-бир давлатнинг ядро қуролига эга бўлишини олдини олиш учун). Қаранг: *Буш Доктринаси, Превентив ўзини-ўзи мудофаа қилиш*.

Бевосита агрессия – бирор-бир давлат (ёки давлатлар гуруҳининг) мунтазам қуролли кучлари томонидан бошқа давлат суверенитети, ҳудудий дахлсизлиги ёки сиёсий мустақиллигига қарши амалга ошириладиган агрессия акти. БМТ Бош Ассамблеясининг 1974 йилда қабул қилинган *Агрессия таърифининг 3-моддасида* (а-е бандлари) бевосита агрессия сифатида баҳоланиши мумкин бўлган агрессия актлари қайд қилиб ўтилган. Қаранг: *Агрессия*

Билвосита агрессия – расман бирор-бир давлатнинг мунтазам қуролли кучлари таркибига кирмайдиган кучлар томонидан бошқа давлат суверенитети, ҳудудий дахлсизлиги ёки сиёсий мустақиллигига қарши амалга ошириладиган агрессия акти. БМТ Бош Ассамблеясининг 1974 йилда қабул қилинган *Агрессия таърифининг 3-моддасига* (g бандига) мувофиқ мазкур (иррегуляр) кучларга

«куролли тўдалар, гуруҳлар ва мунтазам кучлар ёки ёлланма шахслар» киради. Бугунги кунда улар қаторига агрессия актига тенглаштириладиган даражада жиддий аҳамият касб этувчи ҳаракатларни содир этган террористик ташкилотларни ҳам киритиш мумкин. Билвосита агрессиянинг хусусияти шундаки, инглиз тилида *proxies* ибораси билан изоҳланувчи «учинчи кучлар» ўзга бир давлатга қарши агрессия актини муайян давлат томонидан юборилгани ёки ушбу давлат номидан ҳаракат қилгани ҳолда амалга оширадилар. Иррегуляр кучлардан фойдаланиш давлатларга душман билан тўғридан-тўғри ҳарбий тўқнашувга киришмаслик ёки у билан кенг қамровли ҳарбий ҳаракатларни олиб бормаслик имкониятини беради. Қаранг: *Агрессия*.

БМТнинг Хавфсизлик Кенгаши – БМТнинг олти асосий органларидан бири бўлиб, ушбу универсал ташкилот доирасида ялпи коллектив хавфсизлик тизимининг марказий элементи ҳисобланади. Ушбу қоида БМТ Низомининг 24-моддасида: «тезкор ва самарали ҳаракатларни амалга ошириш мақсадида Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ва унинг аъзолари Хавфсизлик Кенгашига халқаро тинчлик ва хавфсизликни таъминлаш борасида *асосий масъулиятни* юклайди» шаклида юридик жиҳатдан мустаҳкамлаб қўйилган. Хавфсизлик Кенгаши БМТ номидан превентив ва мажбурий характердаги коллектив чоратадбирларни қўллаш ва аъзо-давлатларга нисбатан юридик жиҳатдан мажбурий қарорлар қабул қилиш ваколатига эга бўлган БМТ тизимидаги ягона орган ҳисобланади. Хавфсизлик Кенгашининг резолюциялари халқаро ҳамжамият томонидан ҳарбий ёки ноҳарбий характердаги коллектив хавфсизлик чораларини қабул қилиш учун юридик асос бўлади. Зарурият туғилганда халқаро тинчлик ва хавфсизликни таъминлаш мақсадида Хавфсизлик Кенгаши БМТ Низомининг VIII бобига мувофиқ, коллектив хавфсизликнинг минтақавий тизимларига мурожаат қилиши мумкин.

«Болқонлаштириш» (Балканизация) – минтақа ёки кўп миллатли давлатни кичик мустақил ва ярим мустақил, ўзаро душманона кайфиятда бўлган сиёсий бирликларга бўлиниб кетишини англатувчи тушунча. Тарихда «болқонлаштириш» мустамлака сиёсатнинг «бўлиб ташла ва ҳукмронлик қил» сиёсатининг намоён бўлиши сифатида тавсифлаб келинган. Дастлаб, «болқонлашув» атамаси XIX аср охирида Россия империясининг Болқон ярим ороли давлатлари – Албания, Болгария, Греция, Руминия ва Югославияга ҳамда Биринчи Жаҳон уруши сўнгида, Усмонлилар империясининг тугатилиши оқибатида, Болқонни этник ва сиёсий жиҳатдан бўлинишига нисбатан олиб борган сиёсатни ифодалашда қўлланилган. Бугунги кунда ушбу атама билан кўп миллатли давлатларнинг парчаланиб кетиши, этник тозалашлар ва фуқаролар урушлари назарда тутилади.

Бриан-Келлог пакти (шунингдек, Урушдан воз кечиш тўғрисидаги ялпи битим ёки Париж пакти сифатида ҳам маълум) – урушдан миллий сиёсатнинг қуроли сифатида воз кечиш тўғрисидаги шартнома. Пактни тузиш тўғрисидаги ғоя Франция ташқи ишлар вазири Аристид Брианга тегишли бўлиб, у АҚШ давлат котиби Фрэнк Келлог томонидан қўллаб-қувватланган. 1927 й. 6 апрелда, АҚШнинг Биринчи Жаҳон урушига кирганлигининг ўн йиллиги куни, А.Бриан Ф. Келлогга дўстлик тўғрисида шартнома тузиш таклифи билан мурожаат қилди. Ҳамкорликдаги сайёҳи-ҳаракатлар натижасида 1928 й.да Пакт имзоланади ва бир йилдан сўнг кучга кирди. Унинг муаллифлари тинчлик учун Нобель мукофоти соҳибларидир (А.Бриан 1926 й.да ва Ф.Келлог 1929 й.да). 1938 йилнинг охирига келиб 63 давлат, яъни бу даврда мавжуд бўлган деярли барча давлатлар Бриан-Келлог пактига қўшилдилар. Бриан-Келлог пакти халқаро муносабатларда куч ишлатишни тақиқлашга қаратилган илк уринишлардан бири ҳисобланади. Мазкур ҳужжат уни имзолаган барча давлатлардан урушни миллий сиёсатнинг қуроли сифатида воз кечишга ундаб, барча низолар тинч воситалар билан ҳал этилишини мустаҳкамлаб қўйди. Бриан-Келлог пакти ғоялари кейинчалик БМТ Низоми қоидаларида ижобий ривожлантирилди. Бриан-Келлог пакти Нюрнберг жараёни учун муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилди.

Буш доктринаси – 2001 йил 11 сентябрь воқеаларидан сўнг кичик Ж.Буш томонидан илгари сурилган ва амалиётга татбиқ этилган ташқи сиёсий доктрина. Буш доктринасининг асосий ғоялари 2002 йил 1 июнь куни Уэст-Пойнтда (Нью-Йоркдаги Ҳарбий академияда) сўзланган нутқда ифода этилган. Нутқ Оқ уй матбуот хизмати томонидан қуйидаги изоҳ билан тақдим этилди: «АҚШ ташқи сиёсатининг янги доктринаси шаклланмоқда ... Уэст-Пойнтдаги нутқ Президент ва унинг маъмурияти қарашлари ва фикрлаш тарзи тўғрисида тасаввур беради ...». Буш доктринасида анъанавий тийиб туриш стратегиясини терроризм ва оммавий қирғин қуроллари тарқалиши таҳдидларига қарши курашда самарасиз, деб инкор этади. У «тўқнашувни душман ҳудудига кўчириш, унинг режаларини барбод қилиш ҳамда жиддий таҳдидлар пайдо бўлишидан анча аввал уларга қарши туриш»ни эълон қилади. Кейинчалик мазкур қоидалар Ж.Буш маъмуриятининг Миллий хавфсизлик стратегияларида (2002 ва 2006 йй.) ўз аксини топди. Ушбу ҳолат маълум бир маънода халқаро ҳамжамиятнинг бошқа аъзоларига превентив ёки бартараф этиш концепциясини сиёсий-ҳуқуқий жиҳатдан мустаҳкамлашга йўл очиб берди. Қаранг: *Олдини олувчи (бартараф этувчи) зарбалар*.

Буюк давлатлар – ўзларининг ҳарбий-сиёсий ва иқтисодий салоҳияти билан халқаро муносабатлар тизимида муҳим ўрин тутувчи давлатлар. Илк бор 1815 йил Вена конгрессида Европанинг беш давлати – Австрия, Британия, Пруссия,

Россия ва Франция – минтақавий тартиботни яратишда етакчи ўринни эгаллаш мақсадида ўзларига буюк давлат мақомини бердилар. XIX аср давомида улар кучлар мувозанати таяниб, Европада барқарорликни таъминлашга эришдилар. XX асрда буюк давлат мақоми аввал Миллатлар Лигаси, сўнгра БМТ тизимида институционаллаштирилди. Айти пайтда БМТ Хавфсизлик Кенгашининг беш доимий аъзоси – АҚШ, Буюкбритания, Россия (1991 йил 25 декабригача – СССР), Франция ва Хитой Халқ Республикаси ушбу мақомга эга. Буюк давлатлар халқаро ҳамжамиятнинг бошқа аъзоларига нисбатан қатор сиёсий-ҳуқуқий имтиёзларга эга. Жумладан, вето ҳуқуқининг мавжудлиги, «ядро клуби»га расмий аъзолик, халқаро муносабатларда куч ишлатишга оид (БМТ Низомига мувофиқ) мутлақ ҳуқуққа эгалик, Хавфсизлик Кенгаши қарорларининг мажбурий юридик кучга эгалиги ва бошқ. Замонавий давлатлараро тизимда буюк давлатлар институтининг сақланиб қолиши ҳозирги халқаро муносабатларнинг табиати ва воқелиги билан изоҳланади.

В

Версаль шартномаси – Биринчи жаҳон урушини расман тугаллаган Париж тинчлик конференциясида (1919-1920 йй.) Европанинг қудратли давлатлари томонидан имзоланган битим. Версал шартномасининг асосий қоидалари Европада ҳудудий ўзгаришларга, биринчи навбатда, Германия ерларига тегишли эди. Ушбу ўзгаришлар натижасида: Эльзас ва Лотарингия Францияга, Эйпен ва Мальмеди округлари Бельгияга, Саар вилояти Миллатлар Лигаси назорати остига ўтди; Рейн дарёси бўйи қуролсизлантирилди, Польшага Болтик денгизига чиқиш учун йўлак очиб берилди, Гданьск шаҳри Миллатлар Лигаси махсус вакили назорати остидаги «эркин шаҳар» бўлиб қолиши керак эди; Германиянинг Австрия билан иттифоқчилик муносабатларини ўрнатиши тақиқланди. Натижада Германия ўз ҳудудининг 13,5 %, аҳолисининг 10 % дан маҳрум бўлди. Унинг барча мустамлакалари Миллатлар Лигаси мандати остига ўтди. Германия армиясининг сони 100 минг кишигача чекланди, шунингдек, ҳарбий сафарбарлик, флот ва ҳаво кучлари ҳам ҳажмда ҳам ҳарбий салоҳиятда кескин чекловларга учради. 440-моддадан иборат бўлган шартноманинг 2.31-моддаси (Ҳарбий айб банди) энг мунозарали ҳисобланиб, уруш оқибатида юзага келган барча йўқотиш ва зарарлар Германия зиммасига юклатилди. Тадқиқотчилар ушбу ҳужжатни «тинчлик шартномаси»нинг энг ёрқин мисолларидан бири сифатида таъкидлаб, келгуси урушлар учун дастлабки шарт-шароитларни яратиб беришини айтадилар.

Вестфаль сулҳи – Ўттиз йиллик урушни (1618-1648 йй.) яқунловчи шартномалар мажмуи. Мутахассислар замонавий халқаро муносабатлар ибтидосини Вестфаль сулҳи билан боғлайдилар. Вестфаль сулҳининг ўзига хос натижалари сифатида қуйидагиларни қайд қилиш мумкин: Габсбурглар сулоласининг гегемонизмига қарши курашнинг кучайиши; Испания ҳукмронлигининг инқирози ибтидоси; Германияни бўлиб ташлаш орқали ягона Германия давлатининг тузилишини яна икки юз йилга кечиктириб юборилиши; Европанинг қудратли давлати сифатида Франциянинг юксалиши. Вестфаль сулҳи замонавий давлатлараро муносабатларнинг қатор ҳуқуқий ва сиёсий принципларини мустаҳкамлади. Вестфаль сулҳи принципиал ёки ҳудудий суверенитетга асосланган жамиятларни тан олди ва ҳар бир давлатнинг ҳурмат қилиниши шарт бўлган ҳуқуқларга эгаллиги белгилаб қўйилди. Мазкур сулҳ ўрта асрларда Христиан дунёсида ҳукмрон бўлган диннинг универсал ҳокимияти ғоясини халқаро муносабатларнинг дунёвий тушунчаси билан алмаштирди. Шундай қилиб, Вестфаль сулҳи муайян ҳудудга нисбатан мутлақ назорат ҳуқуқига даъвогар бўлган суверен давлатларнинг замонавий тизимини яратиб берди.

Вильсон доктринаси – Марказий ва Жанубий Америка давлатлари ички ишларига аралashiш сиёсатини ифода этувчи ташқи сиёсий доктрина. 1913 йилда АҚШ президенти Вудро Вильсон: «Биз ўз шахсий манфаат ва амбицияларини қондириш мақсадида ўз ҳокимиятини ўрнатувчи шахсларга қаршимиз ... Биз латин-америкаликларга тўғри инсонни танлашларига кўмак беришимиз лозим» деган ғояни илгари суради. Унинг мазмунидан келиб чиқиб, 1914 йил 21 апрел куни В.Вильсон Мексикага ҳарбий интервенцияни амалга ошириш ҳақида буйруқ беради. Вильсон доктринасини Т.Рузвельт ва Ж.Монро сиёсатларининг ўзига хос мантиқий давоми сифатида кўриш мумкин. Қаранг: *Монро Доктринаси*

Г

Геноцид (грек. *genos* - қавм, қабила; лот. *caedo* - ўлдираман) – ғаразли мақсадда миллий, этник, ирқий ёки диний гуруҳларни қириб юбориш шаклида намоён бўлувчи халқаро жиноят. *Геноцид жиноятини олдини олиш ва унга нисбатан жазо тўғрисидаги конвенция* (1948 й.) бу борадаги асосий халқаро-ҳуқуқий ҳужжат ҳисобланади. Қуйидаги хатти-ҳаракатлар мазкур жиноятни ташкил этади: 1) миллий, этник, ирқий ёки диний гуруҳ аъзоларини ўлдириш; 2) уларга жиддий руҳий ёки тан жароҳати етказиш; 3) уларни тўлиқ ёки қисман жисмонан йўқотилишига қаратилган ҳаётий шарт-шароитларни яратиш; 4) бу каби гуруҳларда фарзанд туғилишининг олдини олишга қаратилган чоратадбирларни амалга ошириш; 5) уларнинг болаларини зўрлик билан тортиб олиш ва бошқа гуруҳ вакилларига бериш. Халқаро ҳуқуқ геноцидни содир этган давлатга нисбатан сиёсий жавобгарликни ҳамда геноцид ва у билан боғлиқ жиноий хатти-ҳаракатларни ташкиллаштириш ва амалга оширишда иштирок этган жисмоний шахсларга нисбатан жиноий жавобгарликни назарда тутди. Геноцид халқаро жиноят сифатида Халқаро жиноят суди Статутида белгилаб кўйилган.

Голлизм – ташқи сиёсий концепция, Франциянинг давлат ва ҳарбий арбоби Шарль де Голлнинг (1890-1970 йй.) сиёсий мероси. Голлизм Франциянинг Европа ва жаҳон сиёсатида тутган мустақил мавқеига алоҳида урғу беради. Европада интеграция жараёнларининг жадаллашуви шароитида, голлизм давлатлардан устун турувчи ваколатли институтларнинг яратилиши ҳамда Европа давлатлари ички ишларига АҚШнинг фаол аралашувига қарши туриб, Европа давлатларининг конфедератив муносабатларини ривожлантиришни ёқлаб чиқади. Голлизм Франциянинг ядровий мақомини кўллаб-қувватлайди. 1966 йилда Франция НАТОнинг ҳарбий тузилмасидан чиқиш ҳамда унинг худудида жойлашган мазкур ташкилотга тегишли барча ҳарбий базалар ва Париждаги қароргоҳини ёпиш тўғрисида қарор қабул қилади. 2009 йилда НАТОнинг 60 йиллик юбилей саммитида амалдаги Франция президенти Н.Саркози мамлакатни НАТОнинг бирлашган ҳарбий кўмондонлик таркибига қайтарди. 2001 йил 11 сентябрь воқеаларидан сўнг Франция қуролли кучлари НАТО кўмондонлиги остида Афғонистондаги ҳарбий операцияларда иштирок этиш учун юборилди.

«Гуманитар интервенция» – инсон ҳуқуқларини кенг миқёсда бузилишини бартараф этиш мақсадида суверен давлатнинг ички ишларига (куч ишлатиш орқали) аралашуви. Аралашувнинг бошқа шаклларида фарқли равишда, «гуманитар интервенция» концепцияси *гуманитар мақсадларда қуролли аралашуви* назарда тутди. Г. Гроций ва Э. Де Ваттель (XVII аср) халқаро

хуқуқ бундай интервенцияни нафақат ман этади, балки айрим ҳолатларда кўллаб-қувватлайди деб ёзишган. Табиий ҳуқуқ «гуманитар интервенция» аҳолига унинг етакчилари томонидан амалга оширилаётган ваҳшийликларни олдини олиш мақсадида қуролли аралашувнинг мумкинлигини тасдиқловчи маънавий асосга эга бўлган. Мазкур йўналишда муайян ижобий силжиш «совуқ уруш»дан кейинги даврда содир бўлди. БМТнинг Бош Котиби Перес де Куэльяр (1991 й.): «Жабрланган ва эзилганларни ҳимоя қилишда давлат чегаралари ёки ҳуқуқий ҳужжатлар тўсиқ бўлмаслиги керак», деган фикрни илгари суради. БМТнинг яна бир Бош котиби Бутрос Ғолий Хавфсизлик Кенгашининг махсус сессиясида (1992 й.) «Мазкур масала борасида давлат суверенитети янги мазмунга эга бўлиб бормоқда. Суверенитет нафақат ҳуқуқлардан иборат, балки ҳам ташқи ҳам ички ишлар учун масъулиятни ҳис қилишни ҳам англатади. Давлат суверенитетини бузиш доимо ғайриқонуний фаолият ҳисоблаб келинган. Бироқ, суверенитетни суиистеъмол қилиш инсон ҳуқуқларини тан олишга зарар етказди ҳамда тинч ҳаётига таҳдид солиши мумкин. Фуқаролар урушлари муайян давлатнинг ички иши бўлмай қолди, шу боис, ушбу урушларда содир бўлаётган ваҳшийликлар халқаро ҳамжамиятни бефарқ қолдира олмайди», деган фикрни билдирди. Одатда, «гуманитар интервенция» доирасида қуролли кучларни кўллаш учун интервенция амалга оширилаётган давлат ҳукуматининг розилигини олиш шарт эмас. БМТ амалиётида (е фаол, ёки эътирозсиз розилик асосида), агар муайян давлат фуқароларининг ҳаёти бошқа бир давлат ҳудудида хавф остида бўлса, ва маҳаллий ҳукумат уларни ё ҳимоя қилиш қобилиятига эга эмаслиги, ёки ҳимоя қилиш истаги йўқлиги аниқланса, уларни озод қилиш учун кучни кўллашнинг мумкинлиги ўз тасдиғини топди. Бироқ, халқаро муносабатларда сиёсий режимларни ўзгартириш мақсадида гуманитар шиорлар ниқоби остида амалга оширилган интервенцияларни ҳам кузатиш мумкин. Ушбу соҳада шаклланган давлатлараро амалиётдан келиб чиқиб таъкидлаб ўтиш лозимки, бугунги кунда «гуманитар интервенци»янинг қонунийлигини белгиловчи ҳал қилувчи мезон БМТ Хавфсизлик Кенгаши резолюциясининг мавжудлигидир.

Д

Давлат – объектив равишда алоҳида сиёсий-ҳуқуқий хусусият, яъни ҳудудий устуворлик ва халқаро муносабатларда мустақилликни белгилаб берувчи суверенитет соҳиби эканлиги билан ажралиб туради. Суверенлигидан келиб чиқиб, давлат *ipso facto* халқаро ҳуқуқнинг субъекти ҳисобланади. Давлат халқаро хавфсизлик тизимида етакчи ўринни эгаллайди. Зеро, хавфсизликнинг ташкилий-ҳуқуқий асосини, куч ва воситаларини яратиш, хавфсизлик сиёсатининг устивор йўналишларини ишлаб чиқиш унинг ваколати доирасидадир. Халқаро муносабатлар иштирокчилари доирасининг кенгайиб бориши ҳолатини инобатга олгани ҳолда шуни таъкидлаб ўтиш жоизки, халқаро ҳуқуқ ва халқаро муносабатларнинг суверен субъектлари, яъни ялпи хавфсизликни таъминлашга таъсир кўрсатишнинг амалдаги воситаларига эга бўлган давлатлар, де-факто ҳам миллий ва минтақавий, ҳам халқаро хавфсизликни таъминлашда ўзларининг етакчилик мақомини сақлаб қолмоқдалар. Хавфсизликнинг моҳияти тегишли сиёсий-ҳуқуқий ҳужжатларда норматив тарзда мустаҳкамлаб қўйилган манфаатларни ҳимоя қилиш ва амалга оширишда намоён бўлади. Воқелик шундайки, миллий манфаат фақатгина суверен давлатга хос бўлган хусусиятдир. У хавфсизлик соҳасидаги муносабатларни ҳаракатлантирувчи куч сифатида халқаро муносабатларнинг ўзга иштирокчилари манфаатларига нисбатан реал устунликка эга.

Давлат хавфсизлиги – ушбу атама икки хил маъно касб этади. Ҳозирги замон хавфсизлик тадқиқотларида давлат хавфсизлиги тор маънода, яъни миллий хавфсизликнинг таркибий қисми сифатида тушунилади. Ушбу мазмунда давлат хавфсизлиги, шахс ва жамият хавфсизлиги билан бир қаторда, миллий хавфсизликнинг асосий уч элементидан бири сифатида белгиланади ҳамда у *суверенитет, ҳудудий яхлитлик ва конституциявий тузум (давлатнинг ҳаётий муҳим манфаатлари)нинг таиқи ва ички хавфлардан ҳимояланганлик ҳолати* сифатида таърифланади. Кенг маънода давлат хавфсизлиги атамаси давлатнинг умумий хавфсизлигини англатади ва «миллий хавфсизлик» тушунчасига синоним сифатида тушунилади.

Давлат чегараларининг дахлсизлиги принципи – жойда давлат чегараси чизиғини бир томонлама ўзгартириш ҳамда тегишли халқаро шартномалар ва давлатнинг ички қоидаларини бузиш орқали давлат чегараларини кесиб ўтишни таъқиқловчи халқаро ҳуқуқнинг умумэтироф этилган принципи. Жойда ўрнатилган давлат чегараси чизиғига қатъий риоя қилиниши керак. Чегара чизикларини ўрнатувчи чегара белгилари бир томонлама ўзбошимчалик билан ўзгартирилиши мумкин эмас. Давлат чегараси тўғрисидаги норма ва қоидалар чегараларнинг бузилмаслиги ва давлатлар ҳудудининг яхлитлиги

принципларига таянади ҳамда халқаро амалиётга кенг қўлланади. Чегара чизиғини ҳар қандай ўзгартиришлар чегарадош давлатларнинг келишуви ва халқаро ҳуқуққа мувофиқ тарзда амалга оширилиши лозим.

Давлат чегараси – суверен давлатнинг муҳим белгиси бўлиб, унинг юрисдикцияси доирасини белгилаб беради. Давлат чегараси, инсон “ихтироси” ва инсоният цивилизацияси тараққиётининг ўзига хос маҳсули бўлиб, замонавий халқаро ҳуқуқ ва давлат тизимининг шаклланиши билан бевосита боғлиқ ҳодисадир. Зеро, мазкур институтнинг жорий этилиши миллий давлатларнинг ташкил топиши, давлатчилик ва ҳудудийлик ғояларининг ҳаётга татбиқ этилиши билан боғлиқ муайян мақсадлардан келиб чиқади. Демаркация қилинган чегаралар ҳамда суверенлар ўртасида демаркация бўйича қўшма комиссияларнинг пайдо бўлиши, биринчи навбатда, бугунги кунда бизга “давлат” атамаси билан маълум бўлган юқори даражада марказлашган, ҳудудий белгиланган тузилмани яратишдек «буюк лойиҳа»ни амалга оширишга қаратилган эди. Давлат чегараси мураккаб халқаро-ҳуқуқий ҳодиса ҳисобланади. Бир томондан, давлат чегараси омили давлатлараро конфликтларнинг юзага келишига сабаб бўлиши, иккинчи томондан эса, конфликтларнинг юзага келишини олдини олувчи, давлатлараро муносабатларнинг барқарорлигини таъминловчи самарали восита сифатида баҳоланаши мумкин. Чунки, чегаралар, муайян ҳудуд доирасида давлат ҳокимиятини ўрнатиш орқали, сиёсий ҳамжамиятларнинг тотувлигини таъминлашга хизмат қилувчи халқаро нормалар ва институтлар тизимини яратади.

Давлатлар иродасининг мувофиқлашуви – суверен давлатлар халқаро-ҳуқуқий нуқтаи-назарини яқинлаштириш, мослаштириш ва уйғунлаштириш жараёни. Давлатлар иродасининг мувофиқлашуви жараёни «давлатларнинг кураши ва ҳамкорлиги» тарзида таърифланади. Одатда, мазкур жараёнда давлатлар халқаро-ҳуқуқий нуқтаи-назари бир-бирига яқин бўлган иттифоқчи-давлатларни қидирадилар. Томонлар ўз манфаатларига мувофиқ келадиган қарорларни қабул қилиш ва уларни амалга ошириш имкониятини берувчи нуқтаи-назарларнинг мувофиқлашуви даражасига эришишга ҳаракат қиладилар.

Давлатнинг халқаро-ҳуқуқий нуқтаи-назари – халқаро ҳуқуқнинг муайян масаласи борасида алоҳида олинган давлатнинг расмий қараши. У давлатнинг миллий манфаатларига асосланади. Давлатнинг халқаро-ҳуқуқий нуқтаи-назари, одатда, давлат бошлиғининг баёнотлари, миллий қонунчилик ҳужжатлари ва ташқи сиёсий ташаббусларда ўз ифодасини топади.

Десеъюритизация – сиёсий ҳамжамиятнинг бирор-бир ҳодиса, воқеа ёки

вазирати хавфсизлик объекти мавжудлигига тахдид сифатида кўришдан ҳамда уларга нисбатан қатъий ва фавқулодда чораларни қўллашдан воз кечишини англатувчи жараён. Қаранг: *Секьюритизация*.

Е

ЕИ – нисбатан мустақил бўлган уч ҳамжамият – Европа кўмир ва пўлат уюшмаси (1951 й.), Атом энергияси бўйича Европа ҳамжамияти (1957 й.) ҳамда Европа иқтисодий ҳамжамиятларининг (1957 й.) бирлашиши асосида вужудга келган Европа давлатларининг минтақавий уюшмаси. 1992 йилда Маастрихтда (Нидерландларда) имзоланган Европа иттифоқи тўғрисидаги шартнома 1993 йилда кучга кирди. Бугунги кунда Европа иттифоқига мазкур минтақанинг 27 давлати аъзо. Европа иттифоқи ташқи сиёсатида Марказий Осиё алоҳида ўрин тутади. 2007 йилда Европа иттифоқининг минтақадаги асосий мақсад ва вазифалари, устувор йўналиш ва инструментларини белгилаб берувчи: *«Европа иттифоқи ва Марказий Осиё: янги шерикчилик стратегияси»*, деб номланган ҳужжат тасдиқланди. Европа иттифоқининг Марказий Осиёдаги фаолияти минтақавий ҳаётнинг барча жабҳаларини қамраб олувчи турли дастур ва лойиҳалар доирасида амалга оширилмоқда. 1992-2007 йиллар оралиғида Европа иттифоқи лойиҳалари ТАСИС дастури доирасида амалга ошириб келинди. Марказий Осиё давлатлари Европа иттифоқининг қуйидаги минтақавий лойиҳаларида иштирок этмоқда: БОМКА (чегараларни бошқариш), КАДАП (наркотиклар устидан назорат), ТРАСЕКА (транспорт), ИНОГЕЙТ (энергетика), ТЕМПУС (таълим), ИНТАС (фан) ва бошқа.

«Европа концерти» (ёки концерт тизими) – Европада Наполеондан кейинги даврда юзага келган дипломатик кризисни бартараф этиш мақсадида Европадаги етакчи давлатлар томонидан ташкил этилган *ad hoc* конференциялар тизими. «Европа концерти» расмий институционал тузилмаларга эга бўлмаган, бироқ шундай бўлсада, у аниқ маъмурий мақсадни, яъни Европада ўзаро маслаҳатлар орқали кучлар мувозанатни таъминлашни кўзда тутган. «Европа концерти» – бу халқаро алоқаларда ноҳарбий, яъни дипломатик, сиёсий ва ҳуқуқий воситалардан фойдаланишни таъминлаш мақсадида давлатларни бирлаштиришга уриниш эди. «Европа концерти» халқаро хавфсизликни таъминлаш механизмининг ривожланишига, хусусан, ҳарбий хатти-ҳаракатлар олиб бориш қоидалари ҳамда халқаро арбитраж институтини шаклланишига салмоқли ҳисса қўшди. «Концерт тизими» хавфсизлик ва барқарорликни таъминлашда давлатлар манфаатларининг муштараклиги қанчалик муҳим эканлигини намойиш этди. Мазкур тизим хавфсизлик режимини ўрнатишдаги дастлабки уринишлардан бири сифатида қаралади. Қирқ йил мобайнида статус-қвони таъминлаб берган ҳамда урушларнинг юзага келишини бартараф этган ушбу тизимнинг асосий принциплари: ҳокимиятнинг оқилона тақсимланиши; таҳдидларни бартараф этишда умумий фаолиятни ташкиллаштириш; қудратли давлатларнинг

зиммасига махсус имтиёзлар ва масъулиятнинг юклатилиши ва бошқ. ҳисобланади.

ЕХХТ – 1994 йилда «совуқ уруш» даврида ўзаро мулоқот ва ҳамкорликни ривожлантириш мақсадида Шарқ ва Ғарб ўртасидаги консенсус натижаси ўлароқ барпо этилган ЕХХК (1975 й.) негизида ташкил топган ҳукуматлараро ташкилот. ЕХХТ тинчлик ва хавфсизликни таъминлаш борасидаги энг йирик минтақавий ташкилот ҳисобланиб, унга Европа, Марказий Осиё ва Шимолий Америкадан 56 давлат аъзо. Мазкур институтнинг фаолияти халқаро ва минтақавий хавфсизликни таъминлашнинг мақсад ва вазифаларини универсаллаштиришга йўналтирилган. Марказий Осиёнинг барча давлатлари ташкилот фаолиятида иштирок этиб келмоқдалар. Мазкур ташкилот доирасида ишлаб чиқилган принцип ва қоидалар Марказий Осиё минтақавий хавфсизлигини таъминлашга оид халқаро-ҳуқуқий ҳужжатларнинг ривожланишига таъсир кўрсатди.

Ж

Жамият хавфсизлиги – жамиятнинг маънавий ва моддий қадриятларини муҳофаза этилишини таъминловчи шарт-шароитлар мажмуи. Жамият хавфсизлиги жамоат ташкилотлари, ҳуқуқий нормалар ҳамда тегишли шарт-шароитларни шаклланишини кафолатловчи тараққий топган ижтимоий онгни тақазо этади. Хавфсизлик субъектлари учлигида – шахс, жамият ва давлат – ҳамда уларнинг манфаатлари тизимида жамият хавфсизлиги миллий хавфсизликнинг нисбатан субъектив/индивидуал ва асосан коллектив элементи сифатида намоён бўлади.

И

Иррегуляр кучлар – Қаранг: *Билвосита агрессия*.

Ишончни мустаҳкамлаш чоралари – ўзаро ишончсизликни ҳамда ҳарбий соҳада ўзаро англашилмовчилик/келишмовчилик оқибатида муносабатларнинг ёмонлашувини бартараф этишга қаратилган махсус чоралар. Ишонч чоралари коллектив хавфсизлик умумий тизимининг нисбатан янги элементи ҳисобланади. Амалдаги ишонч чоралар тизими, аввало, ЕХХК ҳужжатларида мустаҳкамлаб қўйилган. ЕХХКнинг Яқунловчи актида (1975 й.) аъзо-давлатлар: куруқликдаги қўшинларнинг барча йирик ҳарбий ўқув машқлари; ҳарбий ўқув машқлари; ката сондаги қўшиннинг ҳаракатланиши; ҳарбий ўқув машқларида кузатувчиларни алмашиш ва ҳ.к. борасида бир-бирларини олдиндан хабардор қилишга келишиб олдилар. ЕХХК Стокгольм конференциясининг яқунловчи ҳужжати (1986 й.) ишонч чоралари тушунчасини кенгайтирди ва унинг мазмуни янада бойитди. Ишончни мустаҳкамлаш функциялари қурол-яроғларни чеклаш ва қисқартиришга оид шартномаларга мувофиқ тузиладиган органларга юклатила бошланди. Ҳозирда ишонч чоралари ҳарбий-техник чоралардан комплекс мазмун этувчи чораларга айланиб бормоқда. Партнерлар ўртасидаги муносабатларнинг мавжуд ҳолати нафақат хабар қилувчи, балки тийиб турувчи ва келажакда чекловчи чораларни ишлаб чиқиш ва қўллаш имкониятини яратмоқда (ЕХХКнинг Вена ҳужжатлари (1990 ва 1992 йй.)). Марказий Осиёда ҳарбий хавфни камайтириш ва ишонч чораларини таъминлашга қаратилган ташкилий-ҳуқуқий чоралар тизими «шанхай бешлиги»нинг асосий ҳужжатларида ўз ифодасини топди («Чегара районида ҳарбий соҳада ишончни мустаҳкамлаш тўғрисида»ги (1996 й.) ва «Чегара районида қуролли кучларни ўзаро қисқартириш тўғрисида»ги (1997 й.) шартномалар).

К

Клинтон доктринаси – Клинтон доктринасининг асосий ғоялари 1994 йилда «*Мажбуриятлар ва кенгайиш стратегияси*» номли ҳужжатда ўз аксини топган. Мазкур ҳужжат янги минг йилликда АҚШнинг ташқи сиёсати қуйидаги уч принципга, яъни *глобал ҳарбий устунликни сақлаб қолиш, самарали иқтисодий фойдани кўзлаш ҳамда хорихда эркин бозор демократиясига кўмаклашишга* асосланиши таъкидлаб ўтилади. Манфаатлар, биринчи навбатда, миллий хавфсизликнинг иқтисодий асосларини мустаҳкамлаш ҳамда демократия ва эркин бозор ғояларини ёйишга оид. Клинтон доктринасида СССРнинг парчаланиб кетиши ва марказлашган иқтисодиётнинг барҳам топиши АҚШнинг глобал етакчилигини мустаҳкамлаш ва эркин савдони ривожлантириш учун ўзига хос улкан имконият сифатида кўрилади. Клинтон доктринасининг моҳияти – Америка компаниялари ва инвестициялари учун «очиқ эшиклар» сиёсатини олиб бориш ва таъриф тўсиқларини камайтириш ва истиқболда уларни бартараф қилувчи «эркин иқтисодиёт» орқали АҚШнинг глобал гегемонлигини таъминлашда намоён бўлади. Ушбу ўринда, миллий хавфсизликни таъминлашда демократияни ёйиш инструмент сифатида АҚШ ташқи сиёсатида янгилик эмаслигини таъкидлаб ўтиш лозим. Қаранг: «*Юмшоқ куч*».

Коллектив мудофаа – шартнома асосида давлатлараро уюшмалар доирасида аъзо-давлатларни ташқи ҳарбий таҳдидлардан ҳимоя қилиш мақсадида амалга оширилувчи коллектив ҳарбий чора-тадбирлар тизими. Коллектив мудофаа фаолиятининг асосий услуби сифатида кучлар мувозанатини келтириш мумкин. Коллектив мудофаанинг анъанавий ташкилий-ҳуқуқий кўриниши альянслар ҳисобланади. Анъанавий коллектив мудофаа тизимини яратилишининг ўзига хос жиҳати – бу «душман тимсоли»нинг мавжудлигидир. У аниқ мақсадни, яъни муайян давлат ёки давлатлар гуруҳи томонидан таҳдид ва қуролли ҳужумнинг юзага келишини бартараф этишни кўзлаб тузилади. Коллектив мудофаа тизимини формал ва шартномавий турларга бўлиш мумкин. Биринчи гуруҳга НАТО ва АНЗЮСни, иккинчи гуруҳга, шартнома асосида тузилган давлатлар иттифоқини киритиш мумкин. Қаранг: *Коллектив хавфсизлик*.

Коллектив хавфсизлик – халқаро тинчлик ва хавфсизликни таъминлаш ва тиклаш бўйича БМТнинг Низомида белгилаб қўйилган ҳамда универсал ва минтақавий ташкилотлар доирасида амалга ошириладиган давлатларнинг ҳамкорликдаги чора-тадбирлари тизими. Коллектив хавфсизлик концепциясининг моҳияти шундаки, давлатларнинг хавфсизлик дилеммаси алоҳида олинган давлат ёки кучлар мувозанати билан эмас, балки коллектив мажбуриятлар институти воситасида бартараф қилинади. Унга кўра, ҳар бир

давлат иттифоқчиларнинг худудий яхлитлиги ва сиёсий мустақиллигига таҳдид солувчи давлатга қарши амалга ошириладиган ҳамкорликдаги хатти-ҳаракатларга қўшилиш мажбуриятини олади. Коллектив хавфсизлик «бир киши ҳамма учун – ҳамма бир киши учун» принципига асосланади. «Коллектив хавфсизлик» тушунчаси юридик жиҳатдан илк бор Миллатлар Лигаси Статутининг 10-моддасида ўз аксини топди. Бироқ, Статутнинг қоидалари коллектив хавфсизлик тизимининг халқаро-ҳуқуқий мазмунини торайтириб, уни қўллашни агрессияни олдини олиш ва бартараф қилиш ҳолатлари билан чеклаб қўйди. БМТ Низоми руҳидаги коллектив хавфсизлик – бу, биринчи навбатда, халқаро тинчлик ва хавфсизликни таъминлашга қаратилган коллектив чора-тадбирлар тизими бўлиб, у аввалдан ташкилотнинг бирор-бир аъзосига қарши қаратилмаган ҳамда муайян «душман тимсоли»ни назарда тутмайди. Коллектив хавфсизлик доирасидаги чора-тадбирлар биргаликда яшаш, мавжуд бўлиб қолиш тартиб-қоидаларини бузган мазкур ташкилотнинг аъзосига қарши қаратилган бўлади. Шунингдек, коллектив хавфсизлик халқаро ҳуқуқ нормаларини ҳаётга тадбиқ этишнинг марказлашган тизими ҳисобланади. Коллектив хавфсизликка доимийлик хос, яъни у тизим сифатида халқаро ҳуқуқ нормаларини бузувчининг мавжуд бўлиши ёки бўлмаслигидан қатъий назар доимий равишда фаолият юритади. Бошқача айтганда, коллектив хавфсизликнинг аҳамияти нафақат реал ёки эҳтимолдаги таҳдидларга жавоб беришда, балки келгусида давлатлараро муносабатларда кучни қўллаш имкониятини бартараф этувчи зарурий шарт-шароитларни яратишда намоён бўлади. Коллектив хавфсизлик – бу бир вақтнинг ўзида халқаро ҳамжамиятнинг ҳам кучли ҳам кучсиз аъзолари манфаатларига мос келувчи тизимдир: нисбатан кучсиз давлатларга «коллективга аралашиб кетиш» ҳамда «бир давлат-бир овоз» принципи асосида фаолият юритиш орқали унинг тўлақонли аъзосига айланиш имкониятини берса, кучли давлатларга - тизимда устунликка эришиш ва «коллектив қарорлар»га ҳавола этиб, ўз хатти-ҳаракатларига қонуний тус бериши имкониятини яратади. Коллектив хавфсизликнинг *концептуал муаммоси* «бир киши ҳамма учун - ҳамма бир киши учун» принципига риоя этиш жараёнида намоён бўлади. Бир томондан, коллектив хавфсизлик тизимининг муҳим шарти агрессия ҳолатида ҳарбий ёрдам кўрсатилиши, яъни *pacata sunt servanda* – «мажбуриятлар бажарилиши лозим». Бошқа томондан эса, давлатлар халқаро муносабатларга киришар экан, биринчи галда ўз миллий манфаатларини қўзлайди. Шунингдек, кимни қўллаб-қувватлаш кераклиги борасидаги танлашда манфаат ва мажбурият орасида зиддият юзага келиши мумкин: ушбу тизимнинг элементи/мазкур ташкилот иштирокчиси ҳисобланган агрессорними ёки агрессия қурбони бўлган давлатними? Дж.Йоффенинг таърифича, бу ҳал қилувчи паллада коллектив хавфсизлик тизими иштирокчилари манфаатларининг «кутблашуви»га («биполяризация») олиб келади. Шунингдек, коллектив хавфсизлик ташкилий-ҳуқуқий, яъни уни имплементацияси билан боғлиқ камчиликларга ҳам эга. БМТ Низомига

мувофиқ, коллектив хавфсизлик тизими Хавфсизлик Кенгашининг доимий беш аъзоси розилиги мавжуд бўлгандагина ҳаракатга келтирилиши мумкин. Бирок уларнинг бирор-бирининг вето ҳуқуқидан фойдаланиши ҳар қандай қарорни қабул қилинмаслигига олиб келади. Табиийки, доимий аъзолар ўз манфаатларига мос келмайди деб ҳисоблаган ҳар қандай қарорни қўллаб-қувватламайди. Бу БМТ Хавфсизлик Кенгаши доимий аъзоларига нисбатан универсал коллектив хавфсизлик юрисдикциясининг тааллуқли эмаслигини англатади. Коллектив хавфсизлик доирасида қўлланиладиган чора-тадбирлар коллектив мудофаага қараганда анча кенг. У, шунингдек, ўзаро хавфсизликни таъминлашда ноҳарбий бўлган – дипломатик, иқтисодий, гуманитар ва бошқа воситалардан фойдаланади: қуролли кучлардан фойдаланиш сўнгги чора сифатида қаралади. Коллектив хавфсизлик, коллектив мудофаадан фарқли ўлароқ, нафақат ташқи ҳарбий таҳдидлар, балки ички, яъни ташкилот аъзоларининг ўзаро конфликтларини ҳам ҳал этиши мумкин. Қаранг: *Коллектив мудофаа*.

КХШТ – 2003 йилда МДХ доирасида имзоланган Коллектив хавфсизлик тўғрисидаги шартнома негизида таъсис этилган минтақавий ҳарбий-сиёсий иттифоқ. Тинчлик, халқаро ва минтақавий хавфсизлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш, коллектив асосда аъзо-давлатлар суверенитети ва ҳудудий яхлитлигини ҳимоя қилиш унинг Низомида белгилаб берилган асосий мақсадлари ҳисобланади. Коллектив хавфсизлик тўғрисидаги шартнома 1992 йил 15 май куни МДХнинг 6 давлати - Арманистон, Россия, Тожикистон, Ўзбекистон, Қирғизистон ва Қозоғистон томонидан имзоланган. 1993 йилда Шартномага Беларусь, Грузия ва Озарбайжон қўшилди. У 1994 йил 20 апрель куни ҳар 5 йилда муддатини узайтириб бориш шарти билан барча иштирокчи-давлатлар томонидан ратифиция қилинди ва кучга кирди. Коллектив хавфсизлик тўғрисидаги шартноманинг моҳияти постсовет макони хавфсизлик тизимида юзага келган ташкилий-ҳуқуқий бўшлиқни бартараф этишдан иборат эди. Шунга қарамай, реал шарт-шароитларда шартноманинг коллектив хавфсизликни таъминлаш механизми сифатидаги ролининг самарасизлиги намоён бўлди. 1999 йилда Грузия, Озарбойжон ва Ўзбекистон Шартнома муддатини узайтирмади (2006 йилда Ўзбекистон мазкур ташкилотда ўз аъзолигини қайта тиклади). 2003 йил КХШТ БМТда рўйхатдан ўтди ва БМТ Низомининг VIII бобига биноан минтақавий ташкилот мақомига эга бўлди. Давлат бошлиқлари кенгаши (олий орган), Ташқи ишлар вазирлари кенгаши, Мудофаа вазирлари кенгаши, Хавфсизлик кенгаши котиблари қўмитаси ва Котибият КХШТнинг асосий органлари ҳисобланади. Бугунги кунда КХШТ доирасида терроризм ва экстремизмга қарши курашнинг куч компонентлари шаклланиб бормоқда. Марказий Осиёда КХШТ ҳарбий бўлинмаларининг шаклланиши қуйидаги йўналишларда амалга оширилмоқда: Тезкор ҳаракатланувчи коллектив кучлар (КСБР, тузилган); Оператив ҳаракатланувчи

коллектив кучлар (КСОР, режалаштирилмоқда); минтақавий кўшин гуруҳи (РГВ, тузилиш жараёнида); ягона ҳаво ҳужумидан мудофаа тизими (ПВО, режалаштирилмоқда). Ўзбекистон КСОР тўғрисидаги битимни имзоламади ва унга нисбатан ўзининг *Алоҳида фикрини* баён қилди. Айти пайтда КХШТга етти давлат аъзо - Арманистон, Беларусь, Россия, Тожикистон, Ўзбекистон, Қирғизистон ва Қозоғистон.

Коллектив хавфсизликнинг минтақавий механизмлари – дунёнинг муайян географик минтақасида хавфсизликни таъминлашга хизмат қилувчи давлатларнинг ташкилий ва шартномавий уюшмалари. Коллектив хавфсизликнинг минтақавий механизмлари турли ташкилий-ҳуқуқий шаклларда намоён бўлади: коллектив хавфсизлик ва коллектив мудофаа тизимлари; плюралистик ҳамжамиятлар; хавфсизлик ва конфликтларни бошқариш мулоқот механизмлари ва бошқ. Уларнинг сиёсий-ҳуқуқий табиатини таҳлил этишда ва таснифлашда қуйидагилар муҳим: хавфсизлик муҳити; бирлаштирувчи омиллар (муаммолар, таҳдидлар ва манфаатларнинг умумийлиги); хавфсизликни таъминлаш усуллари, услублари ва инструментлари (қуролли кучлар, куч билан таҳдид қилиш, кучлар мувозанати, превентив дипломатия, мулоқот, ишонч чоралари ва ҳ.к.); ташкилий-ҳуқуқий мақоми (ҳарбий-сиёсий иттифок, кўп функцияли халқаро минтақавий ташкилот, хавфсизлик мулоқоти механизмлари) ва ҳ.к. Минтақавий механизмларнинг бош вазифаси муайян минтақада низоларни тинч йўл билан ҳал этиш борасида коллектив чораларни амалга оширишдан иборат. БМТ Низоми коллектив хавфсизликнинг минтақавий механизмлари амалга оширадиган хатти-ҳаракатларга қуйидаги талабларни белгилайди: 1) БМТ Низомининг мақсад ва принципларига мос келиши; 2) муайян минтақа чегарасидан чиқмаслиги; 3) халқаро тинчлик ва хавфсизликни таъминлашда амалга оширилаётган ёки режалаштирилаётган барча чоратadbирлар ҳақида БМТ Хавфсизлик Кенгашини хабардор қилиш; 4) низоларнинг фақат тинч йўл билан ҳал этиш ва бошқ.

Кооператив хавфсизлик (ёки ҳамкорлик асосида хавфсизлик) – хавфсизликнинг нисбатан янги концепцияси. Одатда, кооператив хавфсизлик ўзаро уйғун халқаро муносабатлар ва ҳамкорликни ўрнатиш йўли билан хавфсизликни таъминловчи нисбатан тинчликпарвар ва идеалистик ёндашувни таърифлаш учун қўлланилади. Кооператив хавфсизликнинг моҳиятини умумий хавфсизликка эришиш учун ҳамкорлик заруриятини белгиловчи *ўзаро боғлиқлик* омили билан изоҳлаш мумкин. Кооператив хавфсизлик хавфсизликнинг «ҳарбийлашмаган» концепциясидир, яъни унинг доирасида куч ишлатиш хавфсизликни таъминлашнинг одатий воситаси ҳисобланмайди. Кооператив хавфсизлик ҳамкорлик, мулоқот, ўзаро ишончни мустаҳкамлаш чораларига таянади. Унинг асосий қоидалари кенг жамоатчилик томонидан

конуний деб тан олинадиган асослардан келиб чиқиши лозим. Шу билан бирга, кооператив хавфсизлик «шахс/инсон хавфсизлиги» ва умуминсоний кадриятларни ҳимоя қилиш мақсадида «гуманитар аралашув»ни, яъни гуманитар мақсадларда қуролли кучларни қўллаш ғоясини инкор этмайди. Кооператив хавфсизликнинг асосий жиҳатлари сифатида қуйидагилар ажратиб кўрсатилади: 1) агрессорни кўрқитиш эмас, балки агрессияни бартараф этишнинг қатъий қафолатларини яратишга йўналтирилганлик; 2) иттифоқлар сиёсатиغا муқобиллик; 3) хавфсизликнинг барча соҳаларида ривожланишни таъминлашга эришиш.

Куч ишлатиш ёки куч ишлатиш билан таҳдид қилишни тақиқлаш принципи – халқаро тинчлик ва хавфсизликни таъминлашда халқаро ҳуқуқ нормалари тизимида марказий ўринни эгалловчи умумий халқаро ҳуқуқнинг принципи. БМТ Низомининг 2-моддаси (4-банди)га биноан, «Ташкилотнинг барча Аъзолари ўзларининг халқаро муносабатларда ҳар қандай давлатнинг ҳудудий дахлсизлиги ёки сиёсий мустақиллигига қарши куч ишлатиш ёки куч билан таҳдид қилишдан, шунингдек, ёки Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Мақсадларига тўғри келмайдиган бошқа бирор-бир тарздаги ҳаракатлардан ўзларини тиядилар». Давлатлараро муносабатларда мазкур принципнинг самарали жорий этилишида коллектив институтлар алоҳида ўрин тутади. Ушбу принцип коллектив хавфсизлик тизими имкониятларини кенгайтирди ҳамда халқаро ҳуқуқнинг ижобий ривожланишига жиддий ҳисса қўшди. Мазкур принцип бошқа халқаро-ҳуқуқий ҳужжатларда ўз ривожини топди. Улардан энг муҳимлари БМТ Низомига мувофиқ давлатлар ўртасидаги дўстона алоқалар ва ҳамкорликка оид халқаро ҳуқуқнинг принциплари тўғрисидаги декларация (1970 й.), Агрессия таърифи (1974 й.) ва Халқаро муносабатларда куч ишлатиш ва куч ишлатиш билан таҳдид қилишдан воз кечиш принципининг самарадорлигини ошириш тўғрисидаги декларация (1987 й.). Хусусан, Халқаро ҳуқуқнинг принциплари тўғрисидаги декларация БМТ Низомининг 2-модда (4-банди)да тақиқланган хатти-ҳаракатларни қуйидаги тарзда кенгайтирди: агрессив урушлар; агрессив урушларни тарғиб қилиш; мавжуд халқаро чегараларни (хусусан, демаркация қилиш ва вақтинча тинчлик ўрнатувчи чизикларни) бузиш ёки халқаро низоларни ҳал этиш мақсадида куч ишлатиш ва куч билан таҳдид қилиш; куч ишлатиш билан бузилган ҳуқуқларни тиклаш (репрессалии); халқларни ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқидан ва мустақиллигидан маҳрум қилиш мақсадида куч ишлатиш; бошқа давлатнинг ҳудудига бостириб кириш мақсадида қуролланган жиноятчи тўдаларни тузиш; ички конфликтни ташкиллаштириш, уни амалга оширишга ундаш, ёрдам бериш, мазкур конфликтда ёки бошқа давлат ҳудудида террористик актни содир этишда иштирок этиш; куч ишлатиш ва куч билан таҳдид қилиш билан ўзга давлат ҳудудини босиб олиш.

Куч нуктаи-назаридан сиёсат – асосан ташқи сиёсатда ҳарбий, иқтисодий, молиявий ва бошқа соҳалардаги сезиларли устунликдан фойдаланиб, бевосита босим кўрсатиш ёки босим таҳдиди остида рақибни (ўзга бир давлатни) илгари сурилаётган талабларни қабул қилишга мажбур этиш. Одатда, бу каби хатти-ҳаракат қуйидаги инструментлар орқали амалга оширилади: муайян минтақаларда қуролли кучларни тўплаш, эмбарго, активларни музлатиб қўйиш, савдони чеклаш, махсус операцияларни амалга ошириш, тарғибот ва бошқ. Нисбатан самарадорлигига қарамасдан, куч нуктаи-назаридан олиб борилган сиёсат ҳар доим ҳам кутилган натижаларга олиб келмайди. Чунки бу каби хатти-ҳаракат конфликтни ривожланиб кетишига, воқеаларни назорат остидан чиқишига, эришилган натижаларнинг вақт ўтиши билан ўз кучини йўқотиб, мунозара объектига айланиб қолишига олиб келиши мумкин.

Кучлар мувозанати – халқаро муносабатларга оид адабиётларда энг кенг тарқалган таърифга кўра, кучлар мувозанати халқаро муносабатларда давлат (ёки давлатлар гуруҳи) ҳарбий-сиёсий (иқтисодий) кучининг шундай тақсимланган ҳолати бўлиб, бунда ҳеч бир давлат (ёки давлатлар гуруҳи) бошқаларга реал ҳарбий таҳдид солиш имкониятига эга бўлмайди. Одатда, кучлар мувозанати давлатларнинг ҳарбий салоҳиятини кучайтириш, худудни эгаллаш, замонавий қуролларни қўлга киритиш, ўзаро ёрдам тўғрисидаги шартномаларни тузиш ёки иттифоқларни яратиш орқали таъминлаб келинган. Бугунги кунда турли универсал ва минтақавий механизмлар халқаро муносабатларда кучлар мувозанатини таъминлашнинг муҳим воситаси сифатида намоён бўлмоқда.

М

Марказий Осиё-Япония (ёки «6+1») – Марказий Осиё ва Япония давлатлари ташқи ишлар вазирлари даражасидаги ҳамкорлик формати. Мазкур гуруҳнинг номинтақавий вакили Озарбойжон ҳисобланади. Мулоқот гуруҳи 2004 йилнинг сентябрь ойида Япония ҳукумати ташаббуси билан ташкил топган.

Миллатлар Лигаси – 1919 йилда Версаль шартномаси асосида тузилган биринчи универсал халқаро ташкилот. Миллатлар Лигасининг мақсадларига қуйидагилар кирган: қуролсизланиш, ҳарбий хатти-ҳаракатларни олдини олиш, коллектив хавфсизликни таъминлаш, давлатлараро низоларни дипломатик музокаралар воситасида ҳал этиш ва бошқ. Кенгаш, Секретариат ва Ассамблея Миллатлар Лигасининг асосий органлари ҳисобланган. Кенгаш унинг ижро органи сифатида фаолият юритиб, таркиби тўрт доимий (Буюк Британия, Италия, Франция ва Япония) ва муваққат аъзолардан иборат бўлган. Шунингдек, Миллатлар Лигасига – Халқаро одил судлов доимий палатаси (БМТ Халқаро судининг ўтмишдоши), қатор агентлик ва комиссиялар, хусусан, Аёлларнинг ҳуқуқий мақомини ўрганиш бўйича қўмита, Қуролсизланиш бўйича комиссия, Соғлиқни сақлаш бўйича ташкилот (ЖССТнинг ўтмишдоши), Халқаро меҳнат ташкилоти, Доимий марказий опий кенгаши, Қочоқлар бўйича комиссия ва бошқ. кирган. Миллатлар Лигаси 1946 йилда ўз фаолиятини тўхтатди. Шу давр мобайнида унинг аъзолари сони 63 тага етди.

Миллий манфаат – Қаранг: *Хавфсизлик объекти*.

Миллий хавфсизлик – хавфсизликнинг фундаментал субъектлари – шахс, жамият ва давлат хавфсизлиги ҳолатини англатувчи ибора. Миллий хавфсизлик сиёсат категорияси сифатида миллий манфаатларни таъминлашнинг усуллари, воситалари ва шакллари англатади. Постсовет макони давлатларининг миллий қонунчилигида юридик жиҳатдан қуйидаги таъриф мустаҳкамлаб қўйилган: *«миллий хавфсизлик – бу шахс, жамият ва давлатнинг ҳаётий муҳим манфаатларини ташқи ва ички таҳдидлардан ҳимояланганлик ҳолати»*. Миллий хавфсизлик иборасини (1904 й.) АҚШ Президенти Т. Рузвельтга мансублиги таъкидланади. 1947 йилда АҚШда *«Миллий хавфсизлик тўғрисида»*ги қонун қабул қилиниб, унда мазкур тушунча ички, ташқи ва ҳарбий сиёсат масалаларининг интеграцияси сифатида изоҳланган.

Миллий хавфсизлик концепцияси – хавфсизлик субъектларининг ҳаётий муҳим манфаатларини белгилаш, асосий (ички ва ташқи) таҳдидларни аниқлаш, устувор йўналишлар, тизим ва принципларни ишлаб чиқиш орқали шакллантирилувчи, шахс, жамият ва давлат хавфсизлигини таъминлашга

қаратилган расмий қарашлар тизими. Миллий хавфсизлик концепцияси хавфсизлик соҳасида давлат сиёсатини амалга оширишнинг сиёсий-ҳуқуқий асосини ташкил этади. Уни ишлаб чиқишда давлат бошлиғининг қарашлари марказий ўринни эгаллайди. Халқаро ҳуқуқнинг умум эътироф этилган норма ва принциплари, давлат конституцияси ҳамда хавфсизликка оид бошқа қонунчилик ҳужжатлари концепциянинг норматив асосини ташкил этади. Миллий хавфсизлик концепцияси қуйидаги ички ва ташқи омиллар таъсирида шаклланади: жамият ва давлатнинг объектив эҳтиёжлари, геосиёсий омиллар (давлатнинг географик ҳолати, иқтисодий ва ҳарбий қудрати, табиий ресурслари), халқаро ҳуқуқ ва бошқ. Концепциянинг амал қилиш муддати муваққат аҳамият касб этиб, минтақа ва жаҳонда юз бераётган жараёнлар ҳамда миллий манфаатлар ва хавфсизликка таҳдидларнинг ўзгариши таъсирида қайта кўриб чиқилади.

Минтақа – географик, табиий, иқтисодий ва маданий хусусиятларга эга бўлган ер шарининг бир қисмини ташкил этувчи макон. Мазкур омиллар минтақанинг фундаментал хусусиятлари бўлиб, улар минтақа давлатларининг ўзаро фаол алоқалари натижасида намоён бўлади. Минтақанинг табиий-географик хусусиятларининг энг муҳим элементи масофа, яъни минтақа давлатлари ўзаро жойлашувининг яқин ва узоқлиги улар алоқаларининг даражасини белгилаб беради. Давлатларнинг ўзаро муносабатларида табиий яқинлик омилининг аҳамияти тўғрисида гапирганда шуни таъкидлаб ўтиш лозимки, минтақадаги ҳар бир давлат учун мазкур минтақада жойлашган ўзга давлатларнинг хатти-ҳаракати (улар хоҳ ҳамкорлик, хоҳ антангонистик руҳда бўлсин) уларининг ташқи ва хавфсизлик соҳасидаги сиёсатини белгилаб берувчи муҳим детерминант бўлиб хизмат қилади. Географик омиллар халқаро ҳуқуқда ҳам минтақани тавсифлашнинг муҳим элементи ҳисобланади. Хусусан, БМТ Хавфсизлик Кенгашининг муваққат аъзоларни сайлашда асосий мезонлардан бири сифатида «адолатли географик тақсимот» принципи (БМТ Низомининг 23-моддаси) белгилаб қўйилган.

Минтақавий хавфсизлик – минтақа давлатларининг ўзаро муносабатлари ҳолати бўлиб, унда давлатларнинг суверен ривожланиши учун энг мақбул (ҳуқуқий, институционал, иқтисодий ва бошқ.) шарт-шароитлар яратилган бўлади. Минтақавий хавфсизликнинг хусусияти шундаки, у миллий хавфсизликка нисбатан оралиқ аҳамият касб этади. Зеро, минтақавий жараёнларни ҳаракатлантирувчи куч давлатларнинг миллий манфаатларидир. Иккинчи томондан, минтақавий хавфсизлик БМТ ялпи халқаро хавфсизлик тизимининг таркибий қисми ҳисобланади. Хавфсизликнинг минтақавий муҳити халқаро тинчлик ва барқарорликни таъминлашда коллектив чора-тадбирларни амалга ошириш макони бўлиб хизмат қилади. БМТ Низомида халқаро ва минтақавий хавфсизликнинг ўзаро боғлиқлиги ва ўзаро таъсири масалалари

минтақавий битимлар ва органларнинг БМТ билан ўзаро ҳамкорлиги/шерикчилиги нуктаи-назаридан қаралади. Минтақавий хавфсизликнинг халқаро хавфсизликка нисбатан тизим ости ва миллий хавфсизликка нисбатан оралиқ мавқеи, автономлиги, бир бутунлиги ва тизимлилиги намоён бўладиган муҳит билан ажралмас боғлиқлигини кўрсатади.

Минтақавий хавфсизлик тизими – бу халқаро-ҳуқуқий ва институционал асосини яратиш орқали минтақавий тинчлик ва барқарорликни таъминлаш бўйича давлатлараро муносабатларнинг ички тузилиши ва ташкил этиш услубидир. Минтақавий хавфсизлик тизими ўзаро боғлиқ ва ўзаро алоқадор элементлар: хавфсизлик субъектлари ва объектлари; халқаро-ҳуқуқий асос; хавфсизликни таъминлашнинг куч ва воситалари мажмуидан иборат. Минтақавий хавфсизлик тизимининг бош мақсади минтақавий хавфсизлик объектлари – суверенитет, ҳудудий яхлитлик ва конституциявий тузумларни, яъни минтақавий давлатлар мавжудлигининг фундаментал асосларини/манфаатларини самарали ҳимоя қилиш механизмини яратишдан иборат. Ушбу манфаатлар универсал ва минтақавий ташкилотларнинг таъсис ҳужжатлари ҳамда минтақа давлатлари ўртасида имзоланадиган битимларда қайд этилган халқаро-ҳуқуқий чора-тадбирлар тизими орқали таъминланади. Минтақавий хавфсизлик тизимининг яратилиши давлатлараро муносабатларнинг барқарорлиги, изчиллиги ва ўзаро алоқадорлигидан далолат беради. Ўзаро ишонч, нуктаи-назарларнинг яқинлиги, ўзаро муносабатларнинг узоқ муддатлилиги ва бошқ. самарали хавфсизлик тизимини яратишнинг муҳим шартлари ҳисобланади. Минтақавий хавфсизлик тизимининг функционал вазифаси минтақа давлатлари ва ташкилотларнинг БМТ Низомига мувофиқ, тинчлик ва хавфсизликни таъминлашга қаратилган ўзаро чора-тадбирларни амалга оширишдир. Минтақада тинчлик ва хавфсизликка таҳдид солувчи муайян вазият: минтақавий конфликт, қуролли ҳужум, ҳудудий низо ва бошқ. минтақавий хавфсизлик тизими доирасида қарор қабул қилиш учун асос бўлиб хизмат қилади.

Минтақавий хавфсизлик ҳуқуқи – норма ва принциплари минтақавий тинчлик ва хавфсизликни таъминлаш борасидаги халқаро ҳуқуқ субъектларининг ўзаро муносабатларини тартибга солишга хизмат қилувчи халқаро хавфсизлик ҳуқуқининг тармоғи. Минтақавий хавфсизлик ҳуқуқининг норма ва принциплари халқаро ҳуқуқнинг умумэтироф этилган принциплари ва БМТ Низоми қоидаларига тўлиқ мос келиши зарур. Минтақавий хавфсизлик ҳуқуқи тизимида минтақавий ташкилотларнинг таъсис ҳужжатлари алоҳида ўрин тутаяди. Мазкур ҳужжатларда минтақавий хавфсизликни таъминлашнинг устувор вазифа ва йўналишлари белгилаб берилаяди. Улар минтақа давлатлари манфаатларининг ҳуқуқий ҳужжатларда намоён бўлишининг ёрқин мисоли бўла олади. Мазкур ҳужжатлар минтақавий хавфсизликни таъминлашга оид

давлатлараро муносабатлар ҳолатини таҳлил этишда муҳим манба бўлиб хизмат қилади.

Минтақавий халқаро ташкилотлар – дунёнинг муайян географик минтақаси давлатлари томонидан минтақавий тинчлик ва хавфсизликни таъминлаш, минтақавий муаммоларни ўзаро ҳал этиш ва ҳамкорликни ривожлантириш мақсадида шартномавий асосда тузиладиган уюшма. Минтақавий халқаро ташкилотларнинг ташкил топиши суверен давлатларнинг минтақа даражасида тинчлик ва хавфсизликни таъминлашнинг кўп томонлама дипломатик асосларини шакллантириш зарурияти билан белгиланади. Минтақавий халқаро ташкилотлар замонавий халқаро ҳуқуқнинг муҳим субъектига айланди. «Минтақавий ташкилот» атамаси халқаро-ҳуқуқий муомалада томир отиб улгурди. Ваҳоланки, БМТ Низомида «минтақавий ташкилот» ибораси ўзининг айнан ушбу талқинида мавжуд эмас. Минтақавий ташкилотларнинг халқаро-ҳуқуқий мақомини тадқиқ қилишда ҳавола этиладиган Низомнинг VIII боби «минтақавий битимлар» деб номланади. Шундай бўлсада, айти пайтда минтақавий халқаро ташкилотларга нисбатан муайян келишувга эришилган. БМТ амалиётида минтақавий бирлашма ва уюшмаларга куйидагилар киритилади: шартнома асосида тузилган ташкилотлар; ўзаро хавфсизлик ва мудофаа мақсадида ташкил топган минтақавий ташкилотлар; бирор-бир фаолият соҳаси бўйича умум минтақавий ривожланиш ёки ҳамкорликни таъминлаш мақсадида тузилган ташкилотлар; долзарб аҳамиятга эга бўлган муайян сиёсий, иқтисодий ёки ижтимоий масалаларни ҳал этиш мақсадида тузилган гуруҳлар. Халқаро хавфсизликни таъминлашда БМТ минтақавий ташкилотлар имкониятидан кенг фойдаланмоқда. Халқаро хавфсизликни таъминлашда «меҳнат ва масъулият тақсимоти» БМТ ва минтақавий ташкилотлар ҳамкорлигида марказий ўринни эгаллайди. Бош Котиб – Минтақавий ташкилотлар ҳамда Хавфсизлик Кенгаши – Минтақавий ташкилотлар форматидаги икки томонлама ҳамкорликнинг ўрнатилиши улар ҳамкорлигининг бурилиш палласи бўлди.

Минтақавийлашув – ҳосила тушунча бўлиб, минтақа унинг мазмунини очиб беришда бошланғич нуқта ҳисобланади. Минтақавийлашув тушунчасининг энг нейтрал тавсифи давлатлар ва халқаро муносабатларнинг бошқа иштирокчилари фаолиятининг минтақа даражасида намоён бўлиши тарзида изоҳланиши мумкин. Минтақавийлашув тушунчасининг мазмуни, одатда, фаолият, ташкиллаштириш, минтақа давлатлари ўзаро алоқаларини ривожлантириш ва мустақамлашда намоён бўлади. Давлатлараро алоқаларнинг маълум бир соҳаларини минтақа даражасида ихтисослашуви ва муайян тизимга солиниши ҳам минтақавийлашувнинг муҳим жиҳатларини очиб беради. Минтақавий акторларнинг ўзаро муносабатлари, асосан, уч омилга асосланади: *умумий* муаммоларни ҳал этиш; *умумий* таҳдидларга қарши курашиш; *умумий*

манфаатларни ҳимоя қилиш/амалга ошириш. Минтақавийлашув, охир оқибатда, минтақа чегараларини шакллантиради, унинг хусусиятлари, алоҳидалиги ва автономлигини кучайтиради. Минтақавийлашув - якуний натижаси эмас. У замонавий халқаро муносабатларнинг объектив тенденцияси бўлиб, минтақа давлатларининг яратувчанлик, тартибга солиш ва ривожланишга қаратилган мақсадли фаолиятини ифодалайди. Минтақавий ташкилотлар, минтақавий мансублик (идентичность), минтақа ҳақида билимлар мазкур жараённинг моддий тус олиши сифатида намоён бўлади. Қаранг: *Минтақа, Регионализм*.

Монро доктринаси – АҚШ президенти Ж.Монро томонидан 1823 йилда илгари сурилган «Америка америкаликлар учун» тезиси ушбу ташқи сиёсий доктринанинг моҳиятини белгилаб беради. Монро доктринаси, моҳиятан, Европа давлатларига қаратилган мурожаат бўлиб, Лотин Америкасининг янги давлатлари ички ишларига аралашмасликка чақирувчи огоҳлантириш эди. Бундай аралашш АҚШга нисбатан нодўстона муносабат сифатида баҳоланган. Бироқ кейинчалик Монро доктринаси ўзгача маъно касб этиб бориб, АҚШнинг Ғарбий ярим шарда жойлашган давлатлар ички ишларига аралашш ҳуқуқини англата бошлади. Монро доктринаси ҳозирги кунгача АҚШ ташқи ва хавфсизлик сиёсатини белгилаб берувчи муҳим принциплардан бири бўлиб қолмоқда.

«Муваффақиятсиз давлатлар» (инг. «failed states») – «совуқ уруш» даври ва унинг оқибатлари билан боғлиқ замонавий халқаро муносабатларнинг салбий тенденцияларидан бирини англатувчи ибора. Икки қутбли тизимнинг барҳам топиши билан «тийиб туриш доктринаси» ўзининг аввалги моҳиятини йўқота борди ва қудратли давлатларнинг дунёнинг айрим давлатлари ва минтақаларига нисбатан манфаатлари «сусайди». Шунингдек, авваллари икки тизимнинг глобал қарама-қаршилиги доирасида у ёки бу қудратли давлат манфаатларига мос равишда «ўчириб келинган» минтақавий ва субминтақавий конфликтлар олови жонлана бошлади. Натижада бир қатор давлатлар, биринчи навбатда, полиэтник аҳолига эга давлатларда миллатлараро ва динлараро конфликтлар, зўравонлик, агрессив миллатчиликнинг ўсиши билан боғлиқ ҳолда ҳокимият ва ҳуқуқий тартиботнинг инқирози юз берди (мисол учун, собиқ Югославия, Сомали, Судан, Руанда ва бошқ.).

Мулоқот гуруҳи «6+2» – Афғонистонда тинчликни ўрнатишга қаратилган Ўзбекистон Республикасининг ташқи сиёсий ташаббуси. Мулоқот гуруҳи доирасида 1999 йилнинг июль ойида Тошкентда Афғонистон муаммосига бағишланган конференция чақирилди. Конференция натижаларига кўра, БМТ Хавфсизлик Кенгаши резолюциясининг асосини ташкил этувчи «Афғонистонда конфликтни ҳал қилишнинг асосий принциплари тўғрисидаги» декларация қабул қилинди. Мулоқот гуруҳи - Афғонистондаги мавжуд конфликтни

бартаф этишга хизмат қилувчи амалий механизмдир. 2008 йилнинг апрель ойида бўлиб ўтган НАТО/СЕАП саммитида Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов «6+2» мулоқот гуруҳини унинг таркибига НАТОни жалб этиш орқали «6+3»га айлантириш ташаббусини илгари сурди. Марказий Осиё давлатлари манфаатлари нуқтаи-назаридан мулоқот гуруҳининг афзаллиги куйидагиларда намоён бўлади: биринчидан, мулоқот гуруҳи – бу айнан Марказий Осиё лойиҳаси бўлиб, бош минтақавий қадрият – Афғонистонда тинчликни ўрнатишга қаратилган; иккинчидан, у Афғонистонда тинчлик ва барқарорликни ўрнатиш жараёнига бевосита қўшни давлатларни жалб этиш имкониятини яратади.

МДХ – постсовет макони янги мустақил давлатларининг уюшмаси. Халқаро амалиётда мустақил давлатларнинг «ҳамдўстлик» номи остидаги уюшмалари, одатда, собиқ мустамлака давлатларининг умумий манфаатлари замирида «норасмий клублар» сифатида юзага келган. Олма-Ота декларациясида таъсисчилар Ҳамдўстликни «Собиқ Иттифоққа аъзо-давлатларнинг унга қўшилишлари» учун очиқлигини таъкидлаб ўтадилар. МДХ таъсисчилари, шунингдек, “Ҳамдўстлик на давлат, ва на давлатлар устида турувчи тузилма” деган қоидани ҳам қайд қилишни зарур деб билдилар. Ўзаро муносабатларда субординациянинг сустилиги, шартномавий мажбуриятларнинг йўқлиги, ҳамкорликнинг тузилмавий асосини нисбатан паст даражада эканлиги, қарорлар қабул қилишда консенсусга асосланиш бу каби уюшмаларнинг ўзига хос хусусиятлари ҳисобланади. Барқарорлик ва хавфсизликни таъминлашда МДХнинг аҳамияти сезиларли бўлди. Ҳамдўстлик: хавфсизлик ва муҳофаа масалаларида ворисийликни таъминлади; СССР парчаланганидан сўнг вазиятни кескин ёмонлашувининг олдини олди; собиқ Иттифоқнинг ядро қуроллари тақдирини ҳал қилди; собиқ иттифоқдош республикалар маъмурий чегараларининг халқаро-ҳуқуқий мақомини расмийлаштиришнинг умумий қоидаларини ишлаб чиқди; ва ҳ.к. МДХнинг тарихий миссияси аввалги алоқаларнинг ворисийлигини таъминлаш ва унга аъзо-давлатлар ўртасида суверен муносабатларни ўрнатишда/мустаҳкамлашда намоён бўлди. Давлатлараро ҳамкорликнинг ихтисослашуви натижасида Ҳамдўстлик «негизи»да янги институционал тузилмалар (КХШТ, ЕврОсИХ) ташкил топди. Улар бугунги кунда амалий аҳамият касб этувчи минтақавий институтларга айландилар ва авваллари МДХ ваколатига кирган соҳаларда етакчилик қилмоқдалар. Ҳозирда ўн битта давлат МДХ аъзоси ҳисобланади.

Н

НАТО – БМТ Низомининг 51-моддасида белгиланган коллектив муҳофаа ҳуқуқини амалга ошириш мақсадида 1949 йил Вашингтонда имзоланган Шимолий Атлантика шартномаси асосида тузилган ҳарбий-сиёсий иттифоқ. Вашингтон шартномасининг энг муҳим қондаси 5-модда бўлиб, у ўзини-ўзи муҳофаа қилиш ҳуқуқини мустаҳкамлайди. Унга кўра, «Шартнома иштирокчилари Европа ёки Шимолий Америкада аъзо-давлатларнинг бирор-бирига қарши амалга оширилган қуролли ҳужум уларнинг барчасига қарши ҳужум сифатида баҳолайдилар, ва бу каби ҳужум содир бўлган тақдирда, уларнинг ҳар бири БМТ Низомининг 51-моддасида белгилаб қўйилган индивидуал ёки коллектив тарзда ўзини-ўзи муҳофаа қилиш ҳуқуқини амалга ошириш доирасида, бундай ҳужумга учраган шартнома иштирокчисига ёрдам кўрсатади... ». Мазкур қонд НАТО тарихида илк бор 2001 йил 11 сентябрь воқеаларидан сўнг амалда ўз аксини топди. НАТОнинг олий органи – Шимолий Атлантика кенгашидир. Кенгаш ташкилот фаолиятига оид муҳим қарорларни қабул қилади ҳамда НАТОнинг фуқаровий ва ҳарбий органлари фаолияти устидан назорат қилади. Кенгаш раиси НАТОнинг Бош котиби ҳисобланади. Кенгашга қароргоҳи Вашингтонда жойлашган Ҳарбий қўмита бўйсунди. Сиёсий ва иқтисодий масалаларни муҳокама этиш мақсадида тегишли қўмиталар ташкил этилган. НАТО назорати остида бўлган ҳудуд уч қўмондонлик ва минтақавий режалаштириш гуруҳига ажратилган. Европадаги НАТОнинг Бирлашган қуролли кучлари олий бош қўмондони бошчилигидаги НАТОнинг Европа стратегик қўмондонлигига Нордкапдан Ўрта Ер денгизигача, Туркиянинг шарқий чегараларидан Атлантика океанигача бўлган ҳудудлар қиради. Атлантикадаги НАТОнинг Бирлашган қуролли кучлари олий бош қўмондони бошчилигидаги Атлантика стратегик қўмондонлигига (қароргоҳи Норфолкда (АҚШ) Шимолий кутб ва Рака тропики оралиғидаги ҳамда Шимолий Америкадан Африка ва Европа қирғоқларигача бўлган ҳудуд қиради. Шунингдек, Ла-Манш бўғози ҳудудида стратегик қўмондонлик мавжуд бўлиб, унинг фаолият доирасига Ла-Манш бўғози билан биргаликда Шимолий денгизнинг жанубий қисми қиради. Канада-Америка минтақавий режалаштириш гуруҳи Шимолий Америкада умумий равишда олиб борилувчи НАТОнинг ҳарбий-муҳофаа операцияларини мувофиқлаштириб боради. Айни пайтда 28 давлат, жумладан, 25 та Европа давлатлари ҳамда АҚШ, Канада ва Туркия НАТО аъзолари ҳисобланади.

Нейтралитет – давлатнинг халқаро-ҳуқуқий мақоми бўлиб, унга мувофиқ, ушбу мақомга эга бўлган давлат уруш ҳолати юзага келган ҳолда бирор-бир урушаётган давлат томонида иштирок этмаслик ҳамда урушаётган томонларга бевосита ҳарбий ёрдам кўрсатмаслик мажбуриятини олади. Тинчлик даврида

нейтрал давлат ҳарбий иттифоқларга қўшилмаслиги керак. Нейтралитет доимий, шартномавий, уруш давридаги нейтралитет (ёки урушдаги нейтралитет) ҳамда декларатив бўлиши мумкин. 1815 йил Вена конгресси декларациясига мувофиқ, Швейцария доимий нейтралитет мақомига эга. Марказий Осиё давлатлари орасида Туркменистон ўз нейтралитетини эълон қилган. Унинг ушбу ҳуқуқий ҳолати БМТ Бош Ассамблеясининг «Туркменистоннинг доимий нейтралитети» тўғрисидаги резолюцияси билан тасдиқланган (1995 йил 12 декабр).

О

ОҚХЖ – «Оролни қутқариш халқаро жамғармаси мақоми ва унинг ташкил этиш тўғрисида»ги битимга (1999 й.) мувофиқ таъсис этилган, Марказий Осиё давлатлари уюшмаси. Марказий Осиёдаги минтақавий ташкилотлар тизимида Оролни қутқариш халқаро жамғармасининг ўзига хослиги шундаки, у бевосита минтақанинг барча беш давлати иштирокида тузилган ва фаолият юритаётган ягона ташкилотдир. Жамғарма классик маънодаги минтақавий хавфсизлик институти эмас. Бироқ, минтақавий хавфсизликнинг ҳарбий-сиёсий ўлчам доирасидан ташқарида ётувчи мураккаб ва тизимли табиатидан келиб чиқиб, Жамғармани Марказий Осиё хавфсизлигини таъминлашнинг муҳим механизми сифатида баҳолаш мумкин. Оролни қутқариш халқаро жамғармасининг фаолияти нафақат Орол денгизи билан боғлиқ муаммоларни, яъни минтақавий экологик хавфсизлик масаласини, балки давлатлараро ҳамкорликнинг долзарб халқаро-ҳуқуқий муаммоси ҳисобланган минтақада сувдан фойдаланиш муаммоларини ҳал этишда ҳам коллектив механизм сифатида намоён бўлмоқда. ОҚХЖ ташкилий тузилмасининг таркибий элементлари сифатида қуйидагиларни киритиш мумкин: Ижроия қўмитаси (унинг филиаллари Марказий Осиёнинг барча давлатларида мавжуд); Давлатлараро мувофиқлаштирувчи сув хўжалиги комиссияси; «Амударё» ва «Сирдарё» ҳавзаси сув хўжалиги ташкилотлари (БВО); Туркманистондаги Чўлларни ўрганиш институти қошидаги илмий-ахборот маркази.

II

Превентив зарбалар – Қаранг: *Бартараф этувчи (ёки Олдини олувчи) зарбалар.*

Превентив ўзини-ўзи мудофаа қилиш – қуролли хужумни олдини олиш мақсадида давлатнинг қуролли кучларни қўллаш ҳуқуқининг мавжудлигини тасдиқловчи замонавий халқаро-ҳуқуқий концепция. БМТ Низомининг 51-моддасига мувофиқ, ўзини-ўзи мудофаа қилиш ҳуқуқи «*Ташиқлот Аъзосига қуролли хужум содир этилган тақдирда*»гина юзага келади. Бироқ, мазкур концепциянинг тарафдорлари ғоят катта тезликка эга бўлган замонавий ҳарбий техника давлатнинг бутун ҳарбий қудратини вайрон қилиши, айрим ҳолларда эса, давлатнинг мавжудлигига таҳдид солиб, қуролли жавоб қайтариш имкониятини деярли йўққа чиқариши мумкин. Халқаро ҳуқуқшунослар превентив ўзини-ўзи мудофаа қилиш борасида маълум консенсусга эришмоқдалар ва унинг қонунийлигининг муҳим шарти сифатида *қуролли хужумнинг муқаррарлиги ва шубҳасизлигини ҳамда уни бартараф этиш имкониятининг мавжуд эмаслиги ёки ўзга воситаларнинг номақбуллигини тасдиқловчи ишончли далилларнинг бўлишига урғу берадилар.* Қаранг: *Ўзини-ўзи мудофаа қилиш ҳуқуқи.*

Превентив чоралар – БМТ Низоми асосида тинчликка таҳдид, тинчликнинг бузилиши ёки агрессия актини бартараф этишга қаратилган давлатлар ҳамжамияти томонидан амалга оширилувчи чора-тадбирлар. Превентив чоралар БМТ Низомининг VII бобида қайд қилинган.

Р

Регионализм – минтақавий (умумий) манфаатлар нуқтаи-назаридан туриб, муаммоларни ҳал этиш, мақсад ва вазифаларга эришиш ҳамда давлатлараро ҳамкорлик механизмини шакллантириш ғояси/ёндашувидир. Миллат учун миллатчилик қандай мазмун касб этса, минтақа учун регионализм шундай мазмунга эга. Мазкур ўринда регионализм минтақавий мансублик (идентичность), яъни инсонларнинг муайян минтақага тегишли эканлиги, шунингдек, тарихи, маданияти, анъаналари, дини ҳамда манфаатлари, муаммолари ва таҳдидларининг умумийлигини англаб етишлари билан бевосита боғлиқ ҳолда кўрилади. Регионализм – бу, аввало, «*давлат томонидан амалга оширилувчи лойиҳадир*»: регионализм ғоясини амалга оширувчи асосий иштирокчилар минтақа давлатларидир. Шу билан бирга, халқаро ҳаётда глобаллашув билан боғлиқ ва мазкур жараёнга бевосита таъсир кўрсатувчи муқаррар воқеликни эътибордан четда қолдирмаслик лозим. Регионализм мавжуд барча минтақавий муаммо ва таҳдидларга «даво» эмас. Бироқ, у ривожлантириш ва ички минтақавий барқарорликни таъминлаш салоҳиятига эга. Минтақавий ҳамкорликни ривожлантириш ва мустаҳкамлаш орқали давлатлар минтақани жаҳон сиёсати объектдан унинг субъектига айлантиришлари ва глобал жараёнларга таъсир кўрсата олиш салоҳиятини оширишлари мумкин.

Рейган доктринаси – АҚШ президенти Рональд Рейган томонидан илгари сурилган ташқи сиёсий доктрина. Бу каби доктриналардан фарқли ўлароқ, Рейган доктринаси босқичма-босқич сиёсий ташаббуслар сифатида расман эълон қилинмаган. Мазкур доктринанинг асосий қоидалари Р. Рейган тарафдорлари бўлган республикачилар ҳамда «Меърос» жамғармаси каби «ақлий марказлар» кўмагида ишлаб чиқилган. Рейган доктринасининг мақсади АҚШнинг асосий душманлари билан яқинлашиш сиёсатини юритаётган мамлакатларда ички сиёсий вазиятини беқарорлаштириш орқали жаҳонда собиқ Иттифоқ таъсирини кенгайтиришни тийиб туришдан иборат бўлган. Рейган доктринаси доирасида аниқ мақсад сифатида Афғонистон ва Никарагуа танлаб олинган. Қаранг: *Ирангейт*.

Риск – бу субъектнинг ўз фаолияти натижасида ноқулай ва кўнгилсиз вазиятларнинг юзага келиш эҳтимолидир. Риск доимо қандайдир эҳтимолликдир. Субъектнинг (субъектларнинг) бирор-бир ҳаракати ёки ҳаракатсизлиги вужудга келган янги шарт-шароитлар таъсирида у ёки бу ҳолатга ўтиши мумкин. Риск, одатда, муайян қарорнинг натижаси бўлиб, нафақат танлаш, балки истиқболдаги воқеалар ривожини ва у билан боғлиқ йўқотишларни ҳам баҳолаш субъект билан боғлиқ. Мисол учун, атом

электростанциясининг (АЭС) қуриш масаласида расмий ҳукумат (хавфсизлик субъекти) олиниши кутилаётган иқтисодий, сиёсий фойда (дивиденд) билан турли сабаблар натижасида АЭС келтириши мумкин бўлган эҳтимолдаги зарарни қиёсий таҳлил этиш орқали уни қуриш ёки қурмаслик борасида сиёсий қарорни қабул қилади. Шунинг учун хавфнинг мазкур турини *хавфсизлик субъектининг «онгли фаолияти» маҳсули* сифатида кўриш мумкин. Иккинчи томондан, ўзга субъект ва акторларнинг фаолияти ҳам риск сифатида баҳоланиши мумкин.

С

Секьюритизация (инг. securitization) – дискурсив жараён бўлиб, муайян ходиса, воқеа ёки вазият/ҳолат, бошқача айтганда ижтимоий муаммонинг муҳимлиги, жамият аъзоларининг аксарият қисми томонидан тан олинган тақдирдагина, *мавжудликка таҳдидга* айланиши мумкин. Секьюритизация деганда, одатий сиёсий жараён чегарасидан чиқувчи чора-тадбирлар қўлланилишини оқловчи *сиёсатни амалга оширишнинг кескин шакли* тушунилади. Хусусан, «махфийлик» остида сиёсатни амалга ошириш, муайян ҳуқуқ ва эркинликларнинг чекланиши, жамият ва давлатга тегишли куч ва воситаларнинг махсус вазифаларни бажаришга сарф этилиши ва бошқалар. Фавқулодда чораларнинг қўллаш зарурияти мавжуд муаммоларнинг ўзига хос табиати билан изоҳланади. Таъкидланганидек, мазкур концепция доирасида таҳдиднинг объектив табиати инкор этилади ва у субъектлараро фаолиятнинг маҳсули сифатида баҳоланади. Муҳими хавфсизлик объектига «реал» хавф солиб турган қандайдир объектив таҳдидни баҳолаш эмас, балки таҳдид сифатида нимани тушуниш ва унга коллектив жавоб қайтариш борасида хавфсизлик субъектларининг умумий келишуви шаклланишини идрок этишдир. Шундай қилиб, мазкур ёндашувнинг ички мантиғи жараёнда мужассам этилган, яъни хавфсизлик – жамият учун энг муҳим муаммони ажратиб олиш, уни аудитория томонидан тан олиниши натижасида мавжудликка таҳдидга айланиши ҳамда фавқулодда ёки махсус чоралар қўлланилиш босқичларидан иборат муайян жараён натижаси ҳисобланади. Шу боис, мазкур концепция тарафдорлари фикрига кўра, *хавфсизлик «на объектларда ва на субъектларда, балки субъектлар ўртасида ётадиган»* ходиса сифатида таърифланади. Қаранг: *Десекьюритизация*.

Статус-кво – халқаро ҳуқуққа оид атама бўлиб, айна пайтда ёки ўтмишда мавжуд бўлган бирор-бир ҳолатни англатади. Статус-квони қўллаб-қуватлаш ёки тиклаш мавжуд ҳолатни сақлаб қолиш ёки аввалда мавжуд бўлган ҳолатга қайтиш тарзида тушунилади.

Стратегик тадқиқотлар (инг. strategic studies) – хавфсизлик концепцияси. Стратегик тадқиқотларнинг ривожланган даври XX асрнинг 1945-1960 йилларига тўғри келади. Мазкур давр тадқиқотчилар томонидан унинг «олтин даври» сифатида баҳоланади. Стратегик тадқиқотлар доирасида *ҳарбий соҳа* хавфсизлик муаммоларини тадқиқ этишнинг устувор йўналиши, *ҳарбий куч* эса – миллий хавфсизликни таъминлашнинг ягона самарали воситаси (қуроли) сифатида қаралган. Шу боис, «душман тимсоли» ва (ташқи) *ҳарбий таҳдиднинг* мавжудлиги хавфсизликнинг бошланғич элементи бўлиб хизмат қилган. Назарий ва амалий маънода хавфсизлик таҳдидларни бошқариш билан уйғун

тарзда кўрилган. Хавфсизлик субъектлари тизимида суверен давлат марказий ўринни эгаллаган. Шундай қилиб, стратегик тадқиқотлар – миллий хавфсизлик концепциясининг устуворлигига асосланган тадқиқотлар бўлиб, индивидуал «давлат миқёсида давлат томонидан давлатнинг ҳарбий қудрати орқали эришиладиган давлатнинг ҳолати»ни (К.Уолтс) англатувчи хавфсизлик назариясидир. Қаранг: *Хавфсизлик тадқиқотлари*.

Т

Таҳдид – хавфнинг аниқ ва бевосита шакли. Таҳдид – хавфнинг энг олий даражаси бўлиб, унда нафақат яққол ният, балки хавфсизлик объектига бевосита зиён етказиш қобилияти ва тайёргарлик намоён бўлади. Таҳдид доимо аниқ характер ва мазмунга эга. Шунинг учун ҳам аксарият ҳолатларда унинг мазмуни аниқ ҳуқуқий тавсифга эга бўлиб, тегишли норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда қайд этилади, мисол учун, жинойт кодекси моддаларида (агрессия, терроризм, контрабанда ва ш.к.). Қаранг: *Риск, Таҳлика, Хавф*.

Таҳлика (вызов) – бевосита муайян таҳдид характериға эға бўлмасада, бироқ, шубҳасиз равишда олдини олувчи ва бартараф этувчи чора-тадбирларни амалға оширилишини талаб этувчи ҳолат/ҳодиса/вазият ёки уларнинг мажмуидир. Таҳликани бартараф этиш учун узоқ муддатли иқтисодий, ташкилий-ҳуқуқий, ижтимоий, гуманитар ва бошқа чора-тадбирлар тизим зарур бўлади.

Тенг ва бир хил хавфсизлик принципи – замонавий халқаро ҳуқуқнинг ҳарбий фаолиятни амалға оширишда йўл қўйилиши мумкин бўлган чегараларни, уни чеклаш ва қуролсизланиш тартибини белгиловчи принципи. Тенг ва бир хил хавфсизлик принципининг асосий мазмуни ҳарбий қарама-қаршилиқ даражасини пасайтириш ва шу билан бирға ўзаро мувозанатни сақлаб қолишдан иборат. Мазкур принцип халқаро ҳуқуқнинг бошқа принциплари билан узвий боғлиқ бўлиб, унга риоя этиш халқаро низоларни тинч йўл билан ҳал этиш, куч ишлатиш ва куч билан таҳдид қилишни тақиқлаш каби умумэътироф этилган принципларни ҳаётға татбиқ этиш учун замин яратади.

Тинчлик йўлида ҳамкорлик – 1994 йилда НАТОға аъзо бўлмаган давлатлар билан шерикчиликни ўрнатиш ва ривожлантириш мақсадида тузилган Шимолий Атлантика шартномаси ташкилотининг дастури. Тинчлик йўлида ҳамкорликнинг асосий вазифалари сифатида қуйидагилар белгилаб қўйилди: ислоҳотларға кўмақ бериш, барқарорликни ошириш, тинчликка таҳдидларни камайтириш, хавфсизлик соҳасида НАТО ва унинг шериклари ўртасида мустаҳкам алоқаларни ўрнатиш ва бошқ. Дастурнинг ҳуқуқий асосини 1994 йилда қабул қилинган Намунавий битим ташкил этади. Шерик-давлатлар билан консультациялар ўтказиш Дастурни амалға оширишнинг муҳим ташкилий шакли ҳисобланади. Тинчлик йўлида ҳамкорлик доирасида шерикларға муайян мажбуриятлар юклатилган. Жумладан, ҳарбий режалаштириш ва ҳарбий бюджетни шакллантиришда шаффофликни таъминлаш, қуролли кучлар устидан демократик (фуқаровий) назоратни ўрнатиш, тинчликпарвар ва гуманитар операцияларда НАТО билан олиб бориладиган ўзаро ҳаракатлар салоҳиятини

ошириш ва бошқ. Айти пайтда Тинчлик йўлида ҳамкорлик дастурида Европа ва Осиёнинг 27 давлати иштирок этмоқда. Марказий Осиёдаги барча давлатлар, жумладан, «позитив нейтралитет»и мақомига эга бўлган Туркменистон ҳам НАТОнинг мазкур дастури иштирокчи ҳисобланади. Дастурдаги иштироки мобайнида Ўзбекистон вакиллари 400 дан ортиқ тадбирларда иштирок этди. Ўзбекистонда 100 дан ортиқ илмий-техникавий лойиҳалар амалга оширилди. 2004 йилда НАТОнинг Марказий Осиё ва Кавказ бўйича махсус вакили институти жорий этилди. Айти пайтда ушбу лавозимни Жеймс Аппатурай эгаллаб турибди.

Тинчликка таҳдид – БМТ Хавфсизлик Кенгаши томонидан ҳар бир муайян ҳолатда алоҳида аниқланадиган вазият бўлиб, Кенгаш томонидан халқаро тинчлик ва хавфсизликни таъминлаш мақсадида, БМТ Низомининг VII бобига мувофиқ, қандай чораларни кўриш бўйича тавсия ёки қарорлар қабул қилиши учун асос бўлиб хизмат қилади. Ушбу чоралар *муваққат*: қуролли хатти-ҳаракатларни тўхтатиш, сулҳ тузиш (40-модда); қуролли кучларни қўллаш билан боғлиқ бўлмаган *ноҳарбий*: иқтисодий муносабатларни, темир йўл, денгиз, ҳаво, почта, телеграф ва бошқа алоқаларни тўлиқ ёки қисман тўхтатиш, шунингдек, дипломатик муносабатларни узиб қўйиш (41-модда) ва ҳамда *ҳарбий* (42-модда) чораларни ташкил қилади. Тинчликка таҳдид тушунчаси БМТ Низомига биноан нафақат куч билан таҳдид қилишни, балки бошқа ҳолатлар, яъни фуқаролар уруши, ички конфликтлар, инсон ҳуқуқларнинг кенг қамровда бузилиши ва бошқаларни ҳам қамраб олади.

Тинчликнинг бузилиши – БМТ Низомининг VII бобига мувофиқ, Хавфсизлик Кенгаши томонидан халқаро тинчлик ва хавфсизликни таъминлашга қаратилган чора-тадбирларни амалга ошириш учун асос бўлиб хизмат қилувчи вазият. Тинчликнинг бузилиши тушунчаси агрессия акти ҳамда *Агрессия таърифининг* 3-моддасида (1974 й.) келтирилган барча ҳолатларни қамраб олади. БМТнинг Хавфсизлик Кенгаши мазкур ҳужжатда кўрсатиб ўтилмаган бошқа ҳолатларни ҳам тинчликнинг бузилиши сифатида баҳолаш ваколатига эга. Давлатлараро амалиётда тинчликнинг бузилиши деб баҳоланган тўрт ҳолат тўғрисида сўз юритилади: 1) 1950 йилда Шимолий Кореянинг Жанубий Кореяга бостириб кириши; 2) 1982 йилда Аргентинанинг Фолкленд оролларига ҳужуми; 3) 80-й.даги Эрон-Ироқ уруши; 4) 1990 йилда Ироқнинг Қувайтга ҳужуми. Қаранг: *Тинчликка таҳдид*.

Тинчликпарварлик – тинчлик ва хавфсизликни ўрнатишга қаратилган халқаро ҳуқуматлараро ташкилотлар фаолияти. Тинчликпарварлик операцияларининг қуйидаги таснифини келтириш мумкин: *ҳуқуқий мақомига кўра*: тинчликни таъминлаш операциялари – халқаро ҳамжамят томонидан конфликт

томонларининг розилигига асосида амалга ошириладиган операциялар, агар халқаро аҳамиятга эга бўлмаган конфликтлар бўлса, конфликт рўй берган давлат сиёсий раҳбариятининг розилиги асосида; тинчликни ўрнатиш операциялари – БМТнинг мандати асосида конфликт томонлари ёки ҳудудида конфликт рўй берган давлат сиёсий раҳбариятининг розилигисиз амалга ошириладиган операциялар; *амалга ошириш функция ва воситаларига кўра*: кузатувчилар халқаро миссияси ёки ҳолатни аниқлаш бўйича миссиялар – фуқаролик, ҳарбий ёки аралаш; қуроли кучлар жалб қилиш орқали амалга ошириладиган халқаро тинчликпарварлик операциялари; халқаро тинчликпарварлик полиция операциялари; конфликт содир бўлган минтақаларда гуманитар ёрдам кўрсатиш бўйича ўтказиладиган халқаро тинчликпарварлик операциялари.

Трансмиллий акторлар – халқаро муносабатларда нисбатан янги ҳодиса бўлиб, ўз таркибида кенг доирадаги иштирокчиларга эга. Хусусан, трансмиллий корпорациялар, халқаро ноҳукумат ташкилотлар, миллий-озодлик ҳаракатлари ва бошқ. Трансмиллий акторларнинг пайдо бўлиши хавфсизлик концепцияси чегараларини кенгайтишига олиб келди. Трансмиллий акторлар халқаро ҳаётнинг таркибий қисми бўлиб, давлатлараро амалиёт ривожининг табиий ва муқаррар натижаси сифатида кўрилади. Қатор трансмиллий акторлар, хусусан, маълум бир террористик ташкилотлар, қаршилик кўрсатиш ёки миллий-озодлик ҳаракатлари икки мафкуравий тизим кураши ва/ёки мустамлака тизимининг барҳам топиши оқибатида пайдо бўлди. «Совуқ уруш» даврида асосий мафкуравий рақиблар - АҚШ ва СССР – улардан ўз ташқи сиёсатининг воситаси сифатида фойдаландилар. Молиявий, моддий-техникавий ва бошқа турдаги ёрдам олиб турган трансмиллий акторлар, ўз навбатида, ҳомийларининг миллий манфаатларини амалга оширишга кўмак беришган. Уларнинг фаолияти кудратли давлатларнинг манфаатлари доирасида тийиб турилган ва уларнинг назорати остида бўлган. Бироқ, СССРнинг парчаланиб кетиши билан «тийиб туриш доктринаси» ўзининг аввалги аҳамиятини йўқота бошлади. Оқибатда миллий ҳукуматларга бўйсунмайдиган кучлар юзага келди.

Трансчегаравий таҳдидлар – хавфсизликка таҳдидларнинг замонавий кўриниши. Хавф субъекти ва манбаларини аниқлашдаги қийинчиликлар, ҳаракатни содир этиш услуби ва инструментларини («жиноят қуроли»ини) аввалдан аниқлашнинг қийинлиги, ҳаракатларнинг экстерриториаллиги ва бошқ. трансчегаравий таҳдидларни анъанавий (ҳарбий) таҳдидлардан фарқлаб турувчи жиҳатлар ҳисобланади. Ушбу гуруҳга халқаро терроризм, наркотикларнинг ноқонуний савдоси, диний экстремизм ва бошқ. шу каби таҳдидларни киритиш мумкин. Бундай таҳдидларнинг пайдо бўлиши хавфсизлик ва хавфсизликка таҳдидлар табиатини тушунишда кескин

Ўзгаришларга олиб келди. Айти пайтда трансчегаравий тахдидлар ва актормлар ходисасининг халқаро муносабатлардаги аҳамияти тобора ортиб бормокда. Қаранг: *Трансмиллий актормлар*.

Трумэн доктринаси – АҚШ президенти Гарри Трумэн томонидан 1947 йил 12 мартда илгари сурилган ва Американинг «совуқ уруш» декларацияси номини олган ташқи сиёсий доктрина. Трумэн тинчлик даврида энг катта икки томонлама ҳукумат ёрдами дастурини амалга оширган (у Конгрессдан Греция ва Туркия учун ёрдам тариқасида 400 млн. АҚШ доллари сўраган). Бундан ташқари, Европага ҳарбий контингент юборилишини таъминлаш учун ҳам маблағ ажратилишига эришган. Мазкур доктрина АҚШнинг анъанавий изоляционистик сиёсатида жиддий зарба бериб, бутун дунёда унинг иқтисодий ва ҳарбий соҳадаги кўмак дастурларини амалга оширишда ўзига хос прецедентни яратди. Трумэн доктринасига мувофиқ, АҚШ ҳар томонлама коммунизмнинг ёйилишига қарши туришга ҳаракат қилди. Трумэн ўз маърузасида асосан Греция ва Туркияга тўхталиб ўтган бўлишига қарамасдан, доктрина муайян географик чегаралар билан чекланмайди. Халқаро майдонда коммуизмни тийиб туришга қаратилган мазкур стратегиянинг иқтисодий ўлчами Маршалл режаси орқали таъминланди. Трумэн доктринасининг сиёсий ва иқтисодий жиҳатлари «бир ёнғокнинг икки томони» сифатида таърифланади.

У

Ути поссидетис принципи (*uti possidetis*) – давлат мустақиллигига эришилгунга қадар мавжуд бўлган маъмурий ёки мустамлака чегара чизиқларини сақлаб қолишни белгилаб берувчи халқаро ҳуқуқ принципи. Одатда, маъмурий ёки мустамлака чегараларни белгиловчи шартномалар мавжуд бўлмаган, боз устига, у ёки бу ҳудуднинг кимга тегишли эканлигини аниқлашда ўтмишдош давлатнинг ҳуқуқий ҳужжатлари доимо ҳам юридик асос бўла олмас эди. Шунинг учун, юридик фактлар билан бир қаторда, ҳудудни амалий жиҳатдан таассаруф этиш ҳудуд ва чегарага нисбатан ҳуқуқий ворисликни белгилаб берувчи муҳим элемент ҳисобланади. Дастлаб *uti possidetis* принципи Лотин Америкаси давлатлари амалиётида собиқ Испания империясининг чегараларини тан олиш ва делимитация қилиш жараёнида қўлланилган. Сўнгра «Лотин Америкаси ғояси» халқаро даражада эътироф этилди. 1963 йилда Африка бирлиги ташкилоти (2003 й.дан Африка Иттифоқи) мазкур принципни биринчи маротаба минтақа даражасида Ташкилотнинг Низомида юридик жиҳатдан мустаҳкамлаб қўйди. АБТнинг аъзо-давлатлари мавжуд ҳудудий муаммоларни ҳал этишда ушбу принципга содиқ қолишларини тасдиқладилар. Мазкур принципнинг ривожланиши ҳамда халқаро-ҳуқуқий амалиётда мустаҳкамланишида БМТнинг Халқаро суди ижобий роль ўйнади. Буркина Фасонинг Мали Республикасига қарши иши бўйича қабул қилган қарорида Халқаро суд ушбу принципни халқаро ҳуқуқнинг «умумий принципи» ҳамда мустақилликни қўлга киритган пайтда мавжуд ҳудудга эгалик ҳуқуқининг музлатилиши («ҳудудни суъратга олиниши») тарзида баҳолади. Халқаро суд амалиёти *uti possidetis* принципини қўлланиш амалиётини кенгайтишига олиб келди ва давлатлараро муносабатларда барқарорликни тامينлашда унинг аҳамиятига урғу берди. Жумладан, Халқаро суд қуйидаги баёнотни берди: «принцип кенг қўлланилади ва у мантиқан мустақиллик ҳодисаси билан боғлиқ, зеро у янги давлатларнинг мустақиллиги ва барқарорлигини ҳимоя қилиш учун юзага келган».

Х

Хавф – инсон, ижтимоий гуруҳ, жамият, давлат ва жаҳон ҳамжамиятига зиён етказиши, моддий ва маънавий қадриятларнинг бузилиши ёки инқирозининг юзага келишига, тараққиёт йўлининг беркилишига олиб келиши мумкин бўлган эҳтимолий (ёки реал) воқеа, ҳодиса ёки жараён. Хавф – бу бирор-бир зарар етказиш, яъни хавфсизлик объектининг структураси ёки бошқа хусусиятларини ўзгартириш орқали унинг бардошлилик ва рақобатбардошлилик салоҳиятини тушириш эҳтимолидир.

Хавфсизлик – инсонлар, жамиятлар, давлатлар ва халқларнинг объектив эҳтиёжи, улар фаолиятининг бош омили ва мавжудлигининг зарурий шарти ҳисобланади. Хавфсизлик ижтимоий муносабатлар моҳиятини англаш, хавф ва таҳдид, хавфсизликнинг объекти ва субъекти, соҳа ва тизими каби тушунчаларнинг сиёсий-ҳуқуқий табиатини англаб етишда бошланғич нуқта бўлиб хизмат қилади. Хавфсизликка оид адабиётларда «этатик» ёки анъанавий ёндошув, яъни хавфсизликни давлат манфаатлари нуқтаи-назаридан талқин этиш ва тадқиқотларда таҳдидга урғу бериш, тобора танқидга учраб бормоқда. Хавфсизлик – моҳиятан ижтимоий ҳодиса бўлиб, унинг доимий асосини бизни ўраб турган дунёга, мавжудлик шарт-шароитлари ва хавфсизлик объектига бўлган актив муносабатни белгилаб берувчи фаолият ташкил этади. Мазкур ўринда хавфсизлик унинг субъектлари эҳтиёжларини қондириш ва манфаатларига эришишга қаратилган фаолиятни ифода этади. Хавфсизликнинг муҳим элементи – бу манфаатларни таъминлаш учун зарур бўлган, ва ўз навбатида, хавфсизлик субъектлари томонидан шакллантириладиган ташкилий-ҳуқуқий, иқтисодий, молиявий ва ҳ.к. шарт-шароитларнинг мавжудлигидир. Ушбу мазмунда хавфсизлик *субъект мавжудлигининг шарт-шароити* сифатида таърифланади. Хавфсизликни соҳалар бўйича: сиёсий, ҳарбий, иқтисодий, экологик ва бошқ.; даражалар бўйича: миллий, минтақавий, халқаро ва глобал; турлари бўйича: шахс, жамият ва давлат хавфсизлиги тарзида таснифлаш мумкин.

«Хавфсизлик вакууми» – аввалги хавфсизлик тизимининг барҳам топганлиги ёки мавжуд воқеликка жавоб бермаслиги ҳамда янги тизимнинг яратилмаганини ифодаловчи ҳолат. «Хавфсизлик вакууми» тушунчаси СССРнинг парчаланиб кетиши ва Варшава шартномаси ташкилотининг тугатилиши оқибатида «душман тимсоли»нинг йўқ бўлиши билан боғлиқ равишда постбиполяр Европада юзага келган вазиятни изоҳлаш мақсадида кенг қўлланилган. «Хавфсизлик вакууми» миллий ва минтақавий даражада хавфсизликнинг институционал-ҳуқуқий асосларини яратиш борасида тегишли чора-тадбирларни амалга оширишни талаб этади. Мавжуд вазиятда минтақа

давлатлари олдида бир бутун икки масала туради: 1) аввалги хавфсизлик тизимининг мақбул элементларини сақлаб қолиш ва/ёки мослаштириш; ҳамда 2) сифат жиҳатдан янги тизим асосларини барпо этиш.

Хавфсизлик даражаси – хавфсизликнинг нисбатан мустақил ва автоном «кесим»и. Ўзига хос гуруҳни ташкил этувчи миллий (маҳаллий), минтақавий (субминтақавий), халқаро ва глобал хавфсизлик даражаларини қайд қилиб ўтиш мумкин. Хавфсизликнинг ҳар бир даражаси барқарор, аҳамиятли ҳамда моҳиятан мустақил бўлган хусусиятларга эга. Хавфсизлик динамикаси, яъни муайян хавфсизлик даражаси доирасидаги ривожланиш ва ўзгариш, улар учун хусусиятли бўлган омиллар таъсир остида юз беради. Бироқ, нисбатан алоҳидалик бошқа хавфсизлик даражаларидан мутлақ мустақил ёки ажратилганликни англатмайди. Хавфсизлик – бир-бирига боғлиқ (қардош) ҳодисадир, яъни муайян бир давлатнинг хавфсизлиги минтақавий ва/ёки халқаро хавфсизликдан айри ҳолда тушунилиши ва самарали таъмин этилиши мумкин эмас. Хавфсизлик даражасига, хавфсизлик динамикаси горизонтал кечадиган (бўйсунингга асосланмаган) хавфсизлик соҳаларидан фарқли ўлароқ, муайян иерархиянинг мавжудлиги хос. Хавфсизлик даражалари марказида универсал ташкилот – БМТ билан хавфсизликнинг умумий тизимини яратади.

Хавфсизлик дилеммаси (инг. security dilemma) – хавфсизлик дилеммасининг моҳияти, бирор-бир давлатнинг ўз хавфсизлигини (биринчи навбатда, ҳарбий қуратини) мустаҳкамлашга қаратилган фаолияти, атайлаб (қасддан) қилинмагани ҳолда ўзга давлатларнинг хавфсизлик даражасини сусайишига сабаб бўлиши билан изоҳланади. Бу ҳолат, ўз навбатида, мазкур давлатлар томонидан жавоб чораларини амалга оширилишига туртки бўлиши, ва охир оқибатда, ҳар иккисининг хавфсизлигини заифлашишига олиб келиши мумкин. Давлатларнинг бу каби ҳулқ-атвори «*ниҳояси йўқ доира*»ни, *ҳаракат ва қарши ҳаракат* ёки *бир (хавфсиз) ҳолатдан иккинчи (хавфли) ҳолатга ўтувчи спиралсимон жараённи* юзага келади. Жон Герц (John Herz) мазкур ҳодисани илк бор тадқиқ этган тадқиқотчилардан бири ҳисобланади. Кейинчалик хавфсизлик дилеммаси концепцияси Роберт Жервис (Robert Jervis, 1976 й.) ва Барри Бузан (Barry Buzan, 1983 й.) асарларида атрофлича тадқиқ этилди. Р.Жервис «Хавфсизлик дилеммаси нафақат конфликтлар ва тангликни юзага келтириши, балки урушга сабаб бўлувчи механизмларни ҳам ишга солиб юбориши мумкин» деб таъкидлайди. Бундай вазият душманлик муносабатида бўлган давлатлар хавфсизлик стратегияларида конфликт ва рақобат ўртасида мувозанатни таъминлашни тақозо этади. Бу ҳолат «маҳбус/тутқун дилеммаси», яъни давлатлар алоҳида тарзда ўз хоҳшига кўра фаолият юритишлари мумкин, бироқ ушбу хатти-ҳаракатлар уларнинг узоқ муддатли манфаатларига зарар етказиши мумкинлиги билан изоҳланади. Мунтазам равишда қуролланишга

интилиш, охир оқибатда, ҳарбий эҳтиёжларни қондириш мақсадида ноҳарбий ресурсларни жалб этишга, қуролланиш пойгасининг авж олиши ва мавжуд манбаларнинг тугашига олиб келади. Агар ҳар икки томон учун қуролланиш мақбул бўлса, уларни ҳамкорликка нима мажбур этиши мумкин? Бу саволга жавоб «махбус дилеммаси»нинг қайтарилувчи хусусияти билан изоҳланади. Ҳар икки томон вазият спиралсимон тарзда ривожланаётганлигини тушуниб етганлари замон, уларда ҳамкорликка бўлган рағбат туғилиши мумкин. Ўзаро келишиш орқали, улар ҳарбий ҳаражатларни камайтиришлари ва ўзаро муносабатларда «мажбурий» барқарорликка эришишлари мумкин. Шунингдек, умумий келажак ҳисси мазкур давлатларни ҳамкорликка ундайди.

Хавфсизлик доктринаси – 1) Хавфсизликнинг муайян соҳасида давлат сиёсатининг мақсад ва вазифалари, характери ва уни амалга ошириш йўлларини белгилаб берувчи расмий қарашлар тизими; ҳамда 2) мазкур тизимни белгилаб берувчи ҳужжатнинг номи (масалан, Ҳарбий доктрина, Ахборот хавфсизлигини таъминлаш доктринаси ва ҳ.к.); 3) Миллий хавфсизлик сиёсатининг раҳбарий принципи. Сўнгги ҳолатда хавфсизлик доктринаси давлат сиёсатининг назарий-тарғибот асоси сифатида намоён бўлиб, муайян тарихий даврда давлатнинг расмий нуқтаи-назари ҳамда ташқи ва хавфсизлик сиёсатининг бош йўналишини белгилаб беради. Хавфсизлик доктриналарининг таҳлили муайян давлатнинг ташқи сиёсати ва миллий хавфсизлик сиёсатини чуқурроқ тушунишга кўмак беради. Қаранг: *Хавфсизлик концепцияси*.

Хавфсизлик комплекси (инг. security complex) – минтақавий хавфсизлик концепцияси. Унинг муаллифи Б.Бузанга кўра, давлатлар ўртасидаги дўстона ёки душманлик кайфиятидаги алоқалар минтақавий муносабатларнинг мавжуд ҳолати ва минтақадаги ноҳавфсизлик характерини тушуниб етишда ёрдам беради. Ушбу жиҳатлар хавфсизлик комплекси концепциясининг асосида ётади (1991 й.). Унинг муаллифи хавфсизлик комплексининг қуйидаги таърифини келтиради: *«хавфсизликка оид асосий манфаатлари бир-бири билан шу даражада чамбарчас боғлиқ давлатлар гуруҳи бўлиб, уларнинг миллий хавфсизлиги бир-биридан айри ҳолда кўрилиши мумкин эмас»*. Бироқ, хавфсизлик акторлари ва секторларининг кенгайиши таъсири остида мазкур таъриф қайта кўриб чиқилди. Янги таҳрирда у қуйидагича изоҳланди: *«секьюритизация ва десекьюритизация жараёнлари ёки ҳар икки жараёни бир-бири билан шу даражада чамбарчас боғланиб кетган акторлар йигиндиси (set of units) бўлиб, уларнинг хавфсизлик муаммолари бир-биридан айри ҳолда оқилона таҳлил этилиши ёки ҳал қилиниши мумкин эмас»* (2003 й). Шундай қилиб, хавфсизлик комплекси муайян минтақа давлатлари гуруҳи хавфсизлигининг ўзаро боғлиқлигини таъкидлайди. Муаллифларнинг фикрича, миллий ва глобал хавфсизлик даражаларидан фарқли равишда, хавфсизлик

субъектлари хатти-ҳаракатининг асосий қисми айнан минтақавий даражада юз беради. Хавфсизлик комплексининг ўзига хослиги шундаки, маданий, географик, тарихий каби минтақанинг фундаментал хусусиятлари уни изоҳлашда бошланғич нуқта сифатида қаралмайди. Таъкидланадики, «*минтақавий хавфсизлик комплекслари – бу хавфсизлик қиррасидан туриб кўрилувчи минтақалардир ... Бизнинг ёндашув «хавфсизлик» атрофида қурилади*». Шунинг учун, хавфсизлик комплекси минтақага анъанавий ёндашув билан доимо ҳам мос келмайдиган, ўзига хос функционал нуқтаи-назардан келиб чиқиб белгиланувчи минтақа тури сифатида намоён бўлади.

Хавфсизлик концепцияси – 1) давлат миллий хавфсизлик сиёсатининг мақсад ва вазифалари, характери ва уни амалга ошириш йўллари билан белгилаб берувчи расмий қарашлар тизими; 2) миллий хавфсизлик соҳасида расмий қарашлар тизимини белгилаб берувчи сиёсий-ҳуқуқий ҳужжатнинг номи (масалан, Миллий хавфсизлик концепцияси); 3) хавфсизлик муаммоларига оид илмий асарнинг етакчи ғоясини ифода этувчи назария (масалан, К. Дойчнинг «*хавфсизлик ҳамжамияти*», Р. Жервиснинг «*хавфсизлик режими*» ва бошқ.). Қаранг: *Хавфсизлик доктринаси*.

Хавфсизлик объекти – хавфсизлик таърифининг муҳим элементи. Миллий манфаатлар хавфсизлик объекти сифатида концепция ва стратегияларда, шунингдек, тегишли халқаро шартномаларда ҳуқуқий жиҳатдан мустаҳкамлаб кўйилади. Хавфсизлик объекти миллий хавфсизликнинг негизини ташкил этади. У миллий хавфсизлик сиёсатининг мақсад ва вазифаларини белгилашда бошланғич нуқта ва таҳлил воситаси бўлиб хизмат қилади. Миллий манфаат – фақатгина суверен давлатга хосдир. Ўз навбатида, миллий манфаатлар ёки ҳаётий муҳим миллий манфаатлар шахс, жамият ва давлат ҳаётий муҳим манфаатларининг мажмуидан иборат. Миллий манфаат, биринчи навбатда, сиёсат субъектлари томонидан белгилаб берилади. Шунинг учун ҳам у субъектив аҳамият касб этади.

Хавфсизлик режими (инг. security regime) – хавфсизликнинг ўзаро боғлиқлик модели бўлиб, у ўзаро муносабатларда уруш таҳдиди ёки зўравонликни қўллаш эҳтимоли хавфи остида шаклланади. Бироқ, хавфсизлик режими доирасида ушбу таҳдидлар ва зўравонлик эҳтимоли институтлар ва ҳулқ-атвор нормалари воситасида тийиб турилади. Қаранг: *Европа концерти, Миллатлар Лигаси*.

Хавфсизлик соҳаси – хавфсизликнинг нисбатан мустақил йўналиши. Хавфсизлик соҳасини нисбатан мустақиллигини белгиловчи муҳим жиҳат - бу унга хос бўлган алоҳида элементлар йиғиндисининг мавжудлигидир. Улар: хавфсизликнинг ўзига хос муносабатларини тартибга солувчи сиёсий-ҳуқуқий

нормалар; объект ва субъектлар; хавфсизликни таъминлашнинг куч ва воситалари; кадрият ва мезонлар. Ушбу элементларнинг ҳар бири хавфсизлик соҳасини таснифлаш ва тавсифлашда муҳим аҳамиятга эга. Бироқ, хавфсизликни алоҳида мустақил ўлчамларга «ажратиш»да «ўзаро алоқадорликнинг аниқланадиган специфик турлари» муҳим ўрин тутди (Б.Бузан, 1998 й.). Сиёсий соҳада – бу ҳокимият (иродавий) муносабатлари; ҳарбий соҳада – куч ишлатишга оид муносабатлар (мудофаа ёки ҳужум қилиш мақсадида); иқтисодий соҳада – моддий неъматлар ва мулк тақсимотига оид муносабатлар ва б. Ушбу омиллардан келиб чиқиб, хавфсизликнинг қуйидаги соҳаларини келтириш мумкин: иқтисодий, сиёсий, ижтимоий, ҳарбий ва бошқ. Хавфсизликни соҳаларга ажратиш уни таҳлил қилишнинг самарали услуби ҳисобланади. Бир бутунни (яъни миллий хавфсизликни) алоҳида хусусий қисмларга (соҳаларга) ажратишдан мақсад унинг таркибий элементларига хос мураккаб муносабатларни тушунишда аниқликка эришиш ҳисобланади. Қаранг: *Хавфсизлик даражалари*.

Хавфсизлик субъекти – хавфсизлик соҳасидаги ижтимоий (халқаро) муносабатларнинг иштирокчиси. Хавфсизлик субъекти хатти-ҳаракатларининг мазмунини доимий ва самарали фаолият олиб бориши учун зарурий бўлган шарт-шароитларни яратиш ташкил қилади. Хавфсизлик субъекти фаолиятининг мақсади хавфсизлик объектини ҳимоя қилиш тарзида белгиланган. Хавфсизлик субъектининг хатти-ҳаракатлари – бу халқаро ташкилотларни таъсис этиш, алоқаларнинг норматив-ҳуқуқий асосини шакллантириш, халқаро ташкилотлар фаолиятида иштирок этиш, тинчликпарварлик операцияларини амалга ошириш ва бошқаларда намоён бўлувчи яратувчанликка асосланган фаолиятдир. Хавфсизлик субъектини шартли равишда икки гуруҳга ажратиш мумкин: асосий (бирламчи) ва ҳосила (иккиламчи). Бирламчи хавфсизлик субъектига давлатни, ҳосила субъектларга эса универсал ва минтақавий ташкилотларни, жамоат ташкилотларини, сиёсий партияларни киритиш мумкин. Хавфсизликнинг ҳосила субъектлари асосий субъектларнинг иродаси натижаси ўлароқ яратилади. Хавфсизлик субъектларининг ўзига хос жиҳатлари қуйидагиларда намоён бўлади: 1) уларнинг фаолиятига хос яратувчанлик; 2) иштирокчилар доираси ҳамда уларнинг ваколатлари тегишли қонунлар ва халқаро шартномаларда белгиланиши; 3) тинчлик ва хавфсизликни таъминлаш мақсадида барча ташкилий-ҳуқуқий воситалар, шу жумладан, қуроли кучлардан фойдалана олиш ваколати ва бошқ.

Хавфсизлик тадқиқотлари (инг. security studies) – «стратегик тадқиқотлар» ўрнига юзага келган хавфсизлик концепцияси; олий ўқув юртларида (хусусан, Европада, АҚШда) хавфсизлик муаммоларини ўрганиш бўйича ўқув курсининг номи. XX асрнинг 60-70 йилларидан бошлаб, хавфсизликка оид қарашлар

тизими турли халқаро ва минтақавий жараёнлар таъсирида кескин ўзгаришларга юз тутди. Шу даврдан бошлаб, хавфсизлик «ҳам бўйига, ҳам энига», яъни ҳам мазмунан ҳам шаклан кенгая бошлади. Хавфсизлик тадқиқотлари ўз мазмуни ва тузилишига кўра «стратегик тадқиқотлар»дан моҳиятан фарқ қилади. Хавфсизлик тадқиқотларида, миллий хавфсизлик ва ҳарбий соҳа билан бир қаторда, хавфсизлик даражалари – минтақавий, халқаро ва глобал ҳамда соҳалари – иқтисодий, экологик, ижтимоий, гуманитар ва бошқ. ўрганишнинг муҳим объектлари сифатида тан олинди. Субъектлар/акторлар доираси халқаро ташкилотлар, трансмиллий акторлар, жамоат ташкилотлари ва бошқ. ҳисобига кенгайди. «Инсон ўлчами» хавфсизлик тадқиқотларида сезиларли ўрин эгаллай бошлади. Боз устига, хавфсизликни таъминловчи куч ва воситалар аҳамияти ортди: ҳарбий воситалар билан бир қаторда сиёсий, иқтисодий, гуманитар, молиявий, ахборот ва бошқ. хавфсизликни таъминлашнинг муҳим инструментлари сифатида эътироф этила бошланди. Шу боис ҳам хавфсизликка оид адабиётларда давлатнинг марказий ўрни ва миллий хавфсизлик ғоясининг устуворлиги адолатли танқидга учради, сезиларли бурилиш минтақавий ва халқаро хавфсизлик муаммоларига ҳамда инсон омилига қаратилди. Қаранг: *Стратегик тадқиқотлар*.

Хавфсизлик тизими – хавфсизлик тадқиқотларининг таянч категорияларидан бири. Умумфалсафий маънода тизим ўзаро алоқа ва муносабатда бўлган, муайян бирликни ташкил этувчи элементлар мажмуи сифатида таърифланади. У қуйидаги принциплар асосида фаолият юритади: яхлитлик, тизимлилик, иерархияга асосланганлик, тизим ва муҳитнинг ўзаро боғлиқлиги ва бошқ. Тизим фаолиятини ташкил этишда «тийиб туриш ва мувозанатда сақлаш» принципи муҳим ўрин тутди. Хавфсизлик тизими хавфсизликнинг ички тузилиши ва уни ташкил этилиши сифатида намоён бўлади. Хавфсизлик тизими хавфсизлик даражаларига мос келади, яъни ҳар бир хавфсизлик даражаси – миллий, минтақавий ва халқаро – уларга хос бўлган ва умумий мақсадга эришишга кўмак берувчи тартиботни шакллантирувчи элементларга эга. Хавфсизлик тизимининг бош мақсади хавфсизлик сиёсатини амалга ошириш ҳисобланади.

Хавфсизлик ҳамжамияти (инг. security community) – хавфсизликнинг ўзаро боғлиқлик модели бўлиб, унинг иштирокчилари ўзаро муносабатларда куч ишлатмайдилар ва уни қўллашга тайёрланмайдилар. Карл Дойч Шимолий Атлантика шартномаси ташкилоти фаолиятини чуқур таҳлили этиш асосида мазкур концепцияни ишлаб чиқди. Унга кўра, хавфсизлик ҳамжамиятининг муҳим хусусияти – бу ўзаро муносабатларда вужудга келган ҳар қандай низони ҳал этишда иштирокчи давлатларнинг ҳеч бирининг кучдан фойдаланишга интилмаслигига нисбатан ўзаро ишончнинг мавжудлигидир. Хавфсизлик

хамжамиятининг уч тури ажратиб кўрсатилади: амальгам, плюралистик ва интеграллашган. Амальгам хавфсизлик ҳамжамияти – бу аввалда мустақил бўлган давлатларнинг умумий бошқарув остида бирлашувидир. Карл Дойчнинг фикрича, амальгам хавфсизлик ҳамжамиятлари камдан-кам ҳолатларда юзага келади ва мисол тариқасида у АҚШни келтиради. Плюралистик хавфсизлик ҳамжамиятлари умумий бошқарув органининг мавжудлигини назарда тутмайди, бироқ давлатлар ўзаро муносабатларида куч ишлатмасликка бўлган ишончга таянадилар. Эммануэль Адлер ва Майкл Барнетт Карл Дойчнинг плюралистик хавфсизлик ҳамжамиятларига оид назариясини ривожлантириб, қуйидагини таъкидлайдилар: «мазкур ҳамжамиятнинг аъзо-давлатлари ижтимоий ва сиёсий институтлар томонидан яратилган умумий қадриятларга риоя қилишлари; ўзаро муносабатларда содир бўладиган ўзгаришларга тез ва тегишли равишда жавоб қайтаришга тайёр ва қодир бўлишлари (бу мақсадга давлатларнинг бир-бирларига содиқлиги ва умумийлик ҳиссининг мавжудлиги асосида эришилади); давлатлар ўзаро муносабатларни ривожлантиришда тинчлик йўлидан бошқа вариантни қабул қилмайдиган даражада ўзаро интеграллашган бўлишлари лозим». Интеграллашган хавфсизлик ҳамжамияти аъзо-давлатлар номидан сиёсатни белгилаб берадиган институционал механизмларни тақозо этади.

Хавфсизлик ҳуқуқи – хавфсизликни таъминлашга оид ижтимоий муносабатларни тартибга солишга хизмат қилувчи норма ва принциплар тизими. Хавфсизликнинг ҳар бир даражаси ўзига хос норма ва принципларга эга. Шунинг учун ҳам миллий хавфсизлик ҳуқуқи, халқаро хавфсизлик ҳуқуқи (халқаро ҳуқуқ тармоғи) ёки минтақавий хавфсизлик ҳуқуқи (халқаро хавфсизлик ҳуқуқининг тармоқ ости) ҳақида сўз юритиш ўринлидир.

Хавфсизликнинг бўлинмаслиги – хавфсизлик, турли соҳа ва даражаларга бўлинишига қарамасдан, хавфсизлик ички бирликка эга. Хавфсизликнинг мақсади уни ташкил этувчи элементларнинг узвий боғлиқлиги негизида эришилади. Ўз навбатида, якуний натижага эришиш ушбу элементларнинг ҳолати ва лаёқатига боғлиқ. Миллий ва халқаро хавфсизлик ҳуқуқида хавфсизликнинг бўлинмаслиги муҳим сиёсий-ҳуқуқий принцип сифатида мустаҳкамлаб қўйилган.

Хавфсизликнинг минтақавийлашуви – ҳозирги замон халқаро муносабатларнинг ўзига хос жиҳатларидан бири бўлиб, миллий хавфсизликнинг барқарор (томир отиб улгурган) чегараларининг «емирилиши» ҳамда халқаро хавфсизлик ва тинчликни таъминлашнинг муҳим омили ва даражаси сифатида минтақа ва минтақавий хавфсизлик ролининг кучайишини англатади. Мазкур тенденция хавфсизликнинг анъанавий талқини, уни таъминлашнинг услуб ва

воситалари тўғрисидаги билимлар ва қарашларни жиддий ўзгаришига ҳамда минтақавий хавфсизликни суверен давлатлар барқарорлигини таъминлашнинг муқаррар босқичи эканлигини англаб етишга туртки берди. Хавфсизликнинг минтақавийлашуви халқаро муносабатларнинг давлатлар ички ишларига «гуманитар аралашув»нинг кучайиши, ички давлат конфликтларининг ўсиб бориши шароитида анъанавий қуролли конфликтлар «аҳамияти»нинг пасайиб бориши, «шахс/инсон хавфсизлиги» аҳамиятининг кучайиши, икки қутбли дунёнинг барҳам топиши ва бошқ. тенденцияларнинг ўзига хос оқибати ҳисобланади. Ушбу тенденциялар, ўз навбатида, регионализм ғоясининг кучайишига ҳамда замонавий таҳдидларга нисбатан «суверен жавоб»нинг самарасизлиги ва аксинча «коллектив (минтақавий) жавоб»га асосланиш заруриятини белгилайди.

Халқаро хавфсизлик – қандай шаклда бўлишидан қатъий назар, умумий тинчлик ёки халқлар хавфсизлигига таҳдидларни бартараф этувчи давлатлараро муносабатларнинг ҳолати; давлатларнинг суверен ривожланиши учун энг қулай шарт-шароитларни яратиш имконини берувчи халқаро муносабатларнинг ҳолати. Минтақавий ва миллий хавфсизлик халқаро хавфсизликнинг таркибий қисмлари ҳисобланади. Халқаро хавфсизлик барча давлатларнинг халқаро ҳуқуқнинг умумэтироф этилган норма ва принципларига риоя қилишга асосланади ҳамда халқаро-ҳуқуқий воситалар тизими орқали таъминланади.

Халқаро хавфсизлик ҳуқуқи – халқаро ҳуқуқнинг тармоғи бўлиб, халқаро хавфсизлик ҳуқуқи субъектларининг халқаро тинчлик ва хавфсизликни таъминлашга йўналтирилган ўзаро муносабатларини тартибга солувчи норма ва принциплар мажмуи ҳисобланади. Халқаро хавфсизлик ҳуқуқининг асосини, биринчи навбатда, БМТ Низоми ва халқаро ҳуқуқнинг умумэтироф этилган принциплари ташкил қилади

Халқаро ҳуқуқ ва куч ишлатиш – XX аср давомида жаҳон ҳамжамияти халқаро муносабатларда куч ишлатишни тақиқлаш борасида катта йўлни босиб ўтди. Аср бошида уруш давлат ҳокимиятини амалга оширишнинг қонуний услуби ҳисобланган. Бироқ, Биринчи Жаҳон урушининг аянчли давлат ва ҳуқумат бошлиқларининг бу борадаги қарашларига жиддий таъсир кўрсатди. Ғолиб давлатлар келажакда бу каби ҳолатларнинг қайтарилишини олдини олиш мақсадида Миллатлар Лигасини тузди. Аммо ташкилот Статутининг қоидалари урушни тўғридан-тўғри тақиқламади. Лига Кенгаши ёки ҳакамлар суди доирасида низони тинч йўл билан ҳал қилишга қаратилган ҳаракатлари муваффақиятсизликка учраганидан сўнг уч ой муддатдан кейин бошланган уруш қонуний деб эътироф этилди. Давлатлараро муносабатларда куч ишлатишни чеклашга қаратилган навбатдаги қадам тарихга *Париж пакти* ёки

Бриан-Келлог пакти номи билан кирган *Миллий сиёсатнинг воситаси сифатида урушдан воз кечии ҳақидаги шартноманинг* имзоланиши бўлди. БМТ Низоми Миллатлар Лигаси Статути ва Бриан-Келлог пактида белгиланган тақиқлардан кенгроқ бўлган, куч ишлатишга нисбатан қатъий талабларни белгиловчи янги қоидаларни мустаҳкамлади. БМТ Низомининг 2-моддаси (4-банди) унинг барча аъзолари ўзаро муносабатларда *ҳар қандай давлатлар ҳудудий яхлитлиги ёки сиёсий мустақиллигига қарши кучни қўллаш ёки куч билан таҳдид қилиш*, ёки БМТ мақсадларига зид бўлган ҳар қандай бошқа воситалардан ўзларини тийилишларини назарда тутди. Мазкур принцип халқаро ҳуқуқ принциплари тизимида марказий ўринга эга. БМТ Низомида «уруш» сўзи ўрнига «куч» иборасининг ишлатилиши кучни қўллашни тақиқловчи доирани янада кенгайтиради. Низомининг 2-модда (4-банди) кейинчалик БМТ Бош Ассамблеянинг декларация ва резолюцияларида ривожлантирилди ва янада аниқлаштирилди. Қаранг: *Бриан-Келлог Пакти*

Халқаро ҳуқуқда регионализм – халқаро ҳуқуқда регионализмнинг юридик жиҳатдан мустаҳкамланиши Миллатлар Лигаси Статути ва БМТ Низоми каби универсал ҳужжатларда ўз ибтидосига эга. Миллатлар Лигаси Статутида регионализмга камтарона ўрин ажратилган. Хусусан, Статутнинг 21-моддасида конфликтларни ҳал этиш ва тинчликни сақланишда минтақавий битимларни амалда қўлланишининг мумкинлиги таъкидлаб ўтилган. Бироқ, мазкур ҳолат тадқиқотчилар томонидан «минтақавий-глобал ҳамкорликка уринишнинг ибтидоси сифатида» баҳоланади. БМТнинг Низомини ишлаб чиқиш жараёнида регионализм кескин тортишувлар предметига айланди. Лотин Америкаси ва араб дунёси давлатлари – *«регионалистик фронт»* – регионализм ғояларини, яъни учинчи дунё мамлакатлари манфаатларини амалга оширишга имконият берувчи ва инобатга олувчи ғояларни БМТ Низомида мустаҳкамланишини қўллаб-қувватладилар. Улар регионализмни *«буюк давлатларнинг гегемонлиги ва вето ҳуқуқини тийиб туриш воситаси»* сифатида талқин қилдилар. Халқаро ҳуқуққа оид аксарият тадқиқотларда регионализм минтақавий ташкилотлар фаолияти билан боғлиқ ҳодиса деб қарайдилар. Бу ҳолатни, шунингдек, БМТ Низомининг минтақавий ташкилотларни халқаро-ҳуқуқий мақомини белгиловчи қоидаларида ҳам кўриш мумкин. Ушбу маънода регионализм *«минтақа асосида давлатлараро уюшмаларнинг шаклланиши»* сифатида таърифланади. Хусусан, илмий муомалага киритилган «янги регионализм» тушунчаси «совуқ уруш» тугаганидан сўнг тузилган кўп мақсадли минтақавий ташкилотларни ифода этади.

Халқаро ҳуқуқда регионализм – халқаро ҳуқуқда регионализмнинг юридик жиҳатдан мустаҳкамланиши Миллатлар Лигаси Статути ва БМТ Низоми каби универсал ҳужжатларда ўз ибтидосига эга. Миллатлар Лигаси Статутида

регионализмга камтарона ўрин ажратилган. Хусусан, Статутнинг 21-моддасида конфликтларни ҳал этиш ва тинчликни сақланишда минтақавий битимларни амалда қўлланишининг мумкинлиги таъкидлаб ўтилган. Бирок, мазкур ҳолат тадқиқотчилар томонидан «минтақавий-глобал ҳамкорликка уринишнинг ибтидоси сифатида» баҳоланади. БМТнинг Низомини ишлаб чиқиш жараёнида регионализм кескин тортишувлар предметига айланди. Лотин Америкаси ва араб дунёси давлатлари – «*регионалистик фронт*» – регионализм ғояларини, яъни учинчи дунё мамлакатлари манфаатларини амалга оширишга имконият берувчи ва инобатга олувчи ғояларни БМТ Низомида мустаҳкамланишини қўллаб-қувватладилар. Улар регионализмни «*буюк давлатларнинг гегемонлиги ва вето ҳуқуқини тийиб туриш воситаси*» сифатида талқин қилдилар. Халқаро ҳуқуққа оид аксарият тадқиқотларда регионализм минтақавий ташкилотлар фаолияти билан боғлиқ ҳодиса деб қарайдилар. Бу ҳолатни, шунингдек, БМТ Низомининг минтақавий ташкилотларни халқаро-ҳуқуқий мақомини белгиловчи қоидаларида ҳам кўриш мумкин. Ушбу маънода регионализм «*минтақа асосида давлатлараро уюшмаларнинг шаклланиши*» сифатида таърифланади. Хусусан, илмий муомалага киритилган «янги регионализм» тушунчаси «совуқ уруш» тугаганидан сўнг тузилган кўп мақсадли минтақавий ташкилотларни ифода этади.

Халқаро ҳуқуқнинг асосий принциплари – халқаро ҳуқуқнинг моҳияти, хусусий жиҳатларини белгилаб берувчи, олий даражадаги сиёсий, юридик ва маънавий нуфузга эга бўлган умумий нормалар. Улар умумий халқаро ҳуқуқнинг пойдеворини ташкил этади ва халқаро ҳуқуқ субъектлари фаолиятининг ҳуқуқийлигини белгиловчи асосий мезони бўлиб хизмат қилади. Халқаро ҳуқуқнинг асосий принциплари универсал, умумэтироф этилган ва умуммажбурий нормалар ҳисобланади. Шунинг учун ҳам халқаро ҳамжамият томонидан бир бутун тарзда қабул қилинади. Улар халқаро ҳуқуқнинг императив (*jus cogens*) нормалари бўлиб, улардан ҳар қандай оғиш тақиқланади. Императив нормаларга зид бўлган шартномалар инкор этилади. Халқаро ҳуқуқнинг асосий принциплари асосан қуйидаги халқаро-ҳуқуқий ҳужжатларда ўз аксини топган: БМТ Низоми, Халқаро ҳуқуқнинг принциплари тўғрисидаги декларация (1970 й.) ва ЕХҲКнинг Яқунловчи акти (1975 й.). Халқаро ҳуқуқнинг асосий принципларига қуйидагилар киради: куч билан таҳдид қилиш ёки уни ишлатиш, халқаро низоларни тинч йўл билан ҳал қилиш, давлатларнинг ички ишларига аралашмаслик, халқларнинг ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқи, суверен тенглик, халқаро ҳуқуқ бўйича олинган мажбуриятларни виждонан бажариш, ҳамкорлик (БМТ Низоми ва Декларацияда), инсон ҳуқуқларини ҳурмат қилиш, ҳудудий яхлитлик ва чегараларнинг бузилмаслиги (Яқунловчи актда).

Халқаро ҳукуматлараро ташкилотлар – умумий манфаатларни амалга ошириш мақсадида халқаро шартнома асосида давлатлар томонидан таъсис этиладиган давлатлараро уюшмалар. Халқаро ҳукуматлараро ташкилотлар халқаро ҳуқуқ ва халқаро муносабатларнинг нисбатан янги субъектлари ҳисобланади. XIX аср охири XX аср бошларида халқаро ҳамжамият аъзоларининг манфаатлари мунтазам фаолият юритувчи мувофиқлаштирувчи давлатлараро тузилмаларни яратилишини тақозо этди. Мазкур ташкилотлар учун қуйидаги халқаро-ҳуқуқий хусусиятлар хос: таъсис ҳужжатларининг мавжудлиги; доимий фаолият юритувчи ва ишчи органларнинг яратилганлиги; давлатларнинг аъзолиги; мақсад ва вазифалар. Халқаро ҳукуматлараро ташкилотларнинг қуйидаги таснифини келтириш мумкин: универсал ва минтақавий (иштирокчилар доирасига кўра); умумий ва махсус ваколатли (фаолият кўлами бўйича); давлатлардан устун турувчи (ваколатлари характерига кўра); очик ва ёпиқ (аъзо бўлиш тартибига кўра). Ҳозирги кунда дунёда 300 га яқин халқаро ҳукуматлараро ташкилотлар мавжуд.

Халқаро ҳуқуқий воситалар – халқаро ҳуқуқни ҳаётга татбиқ этиш ва халқаро хавфсизликни таъминлашга оид ташкилий-ҳуқуқий чора-тадбирлар мажмуи. Халқаро ҳуқуқий воситалар: халқаро ҳуқуқнинг умумэтироф этилган норма ва принципларини; минтақавий институтларни; тинчликпарвар кучларни; халқаро-ҳуқуқий ҳужжатларни (икки томонлама ва кўп томонлама битимларни, минтақавий ташкилотларнинг таъсис ҳужжатларини); замонавий таҳдидларга қарши курашувчи тузилмаларни (масалан, аксилтеррор тузилмалар, тезкор ҳаракатланувчи коллектив кучларни) ва бошқаларни ўз ичига олади.

Ч

Чегараларни делимитация қилиш – чегара чизиғининг ўтиш жойини харитага тушириш орқали шартномада белгилаш. Давлат чегарасининг чизиғи туширилган харита делимитация тўғрисидаги шартноманинг таркибий қисми ҳисобланади. «Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари тўғрисида»ги қонунга мувофиқ, чегараларни делимитация қилиш тўғрисидаги шартномалар ратификация қилиниши лозим. Делимитация қилиш тўғрисидаги шартномалар давлат чегараларини жойларда халқаро-ҳуқуқий расмийлаштириш учун асос бўлиб хизмат қилади. Қаранг: *Чегараларни демаркация қилиш*.

Чегараларни демаркация қилиш – чегараларни делимитация қилиш тўғрисидаги шартнома ҳамда унга илова қилинган харита ва изоҳларга мувофиқ, давлат чегараси чизиғини жойларда белгилаш. Давлат чегараси чизиғи чегара белгилари билан ўрнатилади. Чегараларни демаркация қилиш махсус тузилган кўшма комиссия томонидан амалга оширилади. Кўшма комиссиянинг фаолияти натижасида аввал делимитация қилиш тўғрисидаги шартномада белгиланган чегара чизиғига айрим ўзгартиришлар киритилиши мумкин. Қаранг: *Чегараларни делимитация қилиш*.

Чегараларни демилитаризация қилиш – халқаро шартномага асосан, давлат чегарасига яқин ҳудудлардан қуролли кучларни олиб чиқиб кетиш, ҳарбий истеҳкомлар ва бошқа иншоотларни тугатишни назарда тутувчи атама. Чегараларни демилитаризация қилиш тўлиқ ёки қисман бўлиши мумкин. Марказий Осиёда чегараларнинг демилитаризация қилиш ХХР билан умумий чегарага эга бўлган минтақа давлатларининг «шанхай бешлиги» доирасида 1997 йилда имзоланган «*Чегара районларда қуролли кучларни ўзаро қисқартириш тўғрисидаги*» шартномага мувофиқ амалга оширилган.

Чегараларнинг бузилмаслиги принципи – замонавий халқаро ҳуқуқнинг нисбатан янги принципи. Мазкур принцип минтақавий даражада илк бор 1975 й.да ЕХХКнинг Яқунловчи актида мустаҳкамлаб қўйилди. Бу, авваломбор, урушдан кейинги Европа чегараларининг ҳуқуқий мақомини белгилаш зарурияти билан изоҳланар эди. Бугун ушбу принцип Европа (минтақавий) ва халқаро хавфсизликни таъминлашнинг муҳим асосларидан бирини ташкил этади. 1991 й. декабрь ойида ЕИ аъзолари собиқ иттифоқдош республикаларни халқаро ҳуқуқнинг умумэтироф этилган норма ва принципларини, хусусан, чегараларнинг бузилмаслиги принципини таъминлаш борасида

мажбуриятларни бажаришга содиқ қолсаларгина, уларнинг мустақиллигини тан олишларини таъкидладилар. Чегараларнинг бузилмаслиги принципининг моҳияти қуйидаги уч ҳолат билан изоҳланади: 1) мавжуд чегараларни халқаро ҳуқуққа мувофиқ юридик жиҳатдан ўрнатилган деб тан олиш; 2) айна пайтда ва истикболда ҳар қандай ҳудудий даъволардан воз кечиш; 3) ушбу чегараларга ҳар қандай тажоввудан, жумладан, куч ишлатиш ва куч билан таҳдид қилишдан воз кечиш. Шундай қилиб, чегараларнинг бузилмаслиги принципининг юридик имкониятлари *uti possidetis* принциpidан нисбатан кенгроқ. Унинг қоидалари нафақат мавжуд маъмурий ёки мустамлака чегараларнинг тан олиниши, балки истикболда ҳудудий даъволар ва ушбу чегараларга нисбатан тажоввудларнинг олдини олишга қаратилган.

Ш

ШХТ – 2001 йил 15 июнь куни ХХР ва у билан чегарадош бўлган собиқ Иттифок республикаларини – Россия, Тожикистон, Қирғизистон ва Қозоғистонни - бирлаштирувчи «шанхай бешлиги» негизида ташкил топган минтақавий халқаро ташкилот. Ўзбекистон Хитой Халқ Республикаси билан умумий чегарага эга бўлмаган ташкилотдаги ягона давлатдир. ШХТнинг ташкил топиши ва таъсис ҳужжатларининг таҳлили уни «Марказий Осиё лойиҳаси» сифатида таърифлашга асос бўлади. «Шанхай бешлиги» ХХР ва собиқ иттифокдош республикалар ўртасидаги мавжуд ҳудудий низоларни ҳал этишда ҳамда ҳарбий-сиёсий ва чегара хавфсизлигининг ҳуқуқий асосларини яратишда муҳим роль ўйнади. «Шанхай бешлиги» фаолиятининг муҳим ютуғи «Чегара районида ҳарбий соҳада ишончли мустаҳкамлаш тўғрисидаги» (1996 й.) ва «Чегара районида қуролли кучларни ўзаро қисқартириш тўғрисидаги» (1997 й.) шартномаларнинг имзоланиши бўлди. 90-йиллар охирида Қирғизистон жанубида рўй берган воқеалар («Боткен воқеалари») «шанхай бешлиги» доирасида ҳамкорликнинг ташкилий-ҳуқуқий асосларининг ривожига туртки бўлди. Марказий Осиёда фаолият олиб бораётган бошқа минтақавий ташкилотлардан фарқли ўлароқ, ШХТ икки асосга таянади: иқтисодиёт ва хавфсизлик. Ташкилот доирасида 20-25 йилга мўлжалланган кўп томонлама савдо-иқтисодий ҳамкорлик дастури (2003 й.) ва уни амалга ошириш режаси (2004 й.) ишлаб чиқилган. Ташкилотнинг таъсис сессиясида *ШХТни ташкил этиш тўғрисидаги декларация* билан бир қаторда унинг асосий ҳужжатларидан бири *Терроризм, экстремизм ва сепаратизмга қарши кураш тўғрисидаги конвенция* ҳам имзоланди. Айни пайтда Монголия, Покистон, Эрон ва Ҳиндистон ташкилотда кузатувчи, Беларусь ва Шри-Ланка эса мулоқот бўйича ҳамкор мақомига эга.

Шахс хавфсизлиги – шахснинг ҳуқуқ ва эркинликларини амалга оширилишини таъминловчи шарт-шароитлар мажмуи; шахснинг ҳаётий муҳим манфаатларининг ҳимояланганлик ҳолати. Ўзбекистон Республикасининг хавфсизликка оид қонунчилигига мувофиқ, шахснинг ҳуқуқ ва эркинликлари унинг ҳаётий муҳим манфаатларини ташкил этади. Шахс жамият ва давлат билан бир қаторда, миллий хавфсизликнинг уч асосий субъектларидан бири ҳисобланади.

Э

Эйзенхауэр доктринаси – 1956 йилда Сувайиш воқеасининг бевосита оқибати сифатида юзага келган АҚШнинг ташқи сиёсий ташаббуси. Бунда Буюк Британия ва Франция АҚШнинг талабига биноан, ўз кўшинларини Мисрдан чақириб олишга мажбур бўлади. 1957 йилга келиб, нефтга бой Яқин Шарқда таъсир вакуумининг пайдо бўлиши хавфидан келиб чиқиб, Конгресснинг кўшма резолюцияси Эйзенхауэр доктринасини эълон қилади. У президентга коммунистик агрессия таҳдиди остида қолган деб тан олинган ҳар қандай давлатга ёрдам кўрсатиш ваколатини берди. Резолюция шартларига кўра, АҚШнинг қуроли кучлари ва ёки иқтисодий ёрдами ҳар қандай минтақага юборилиши мумкин эди. Шунга биноан, 1958 йил июль ойида Иордания ва Ливаннинг ғарбпараст тузумларига ёрдам кўрсатиш мақсадида инглиз-америка кўшинлари жўнатилди. Эйзенхауэр доктринаси Яқин Шарқни АҚШнинг ҳаётий муҳим манфаатлари макони деб эълон қилди. Эйзенхауэр доктринаси советлар таъсирини ёйилмаслигини тийиб туриш мақсадида Греция ва Туркияга бу тарзда ёрдам кўрсатишни назарда тутган Трумэн доктринасининг мантикий давоми бўлиб, АҚШ ташқи сиёсатида кескин ўзгаришларга олиб келмади. Қаранг: *Трумэн доктринаси*

Эрон-контрас (ёки Ирангейт) – Р. Рейган маъмурияти Миллий хавфсизлик кенгашининг, Ливандаги, Эронга хайрихоҳ бўлган террористик ташкилотлар томонидан гаровга олинган Америка фуқароларини озод қилиш умидида, Эронга танк ва ҳаво ҳужумига қарши ракетапарни сотишдаги иштироки натижасида юзага келган сиёсий можаро. Олинган пулнинг бир қисми (48 млн. АҚШ долл.) Никарагуадаги Сандинистик ҳукуматга қарши кураш олиб бораётган ва АҚШ томонидан қўллаб-қувватланаётган кўзғолончи гуруҳ - Контрасга берилади.

Ю

«Юмшоқ куч» (инг. «soft power») – XX асрнинг 80-йиллари охирларида америкалик тадқиқотчи кичик Ж.Най томонидан муомалага киритилган атама. «Юмшоқ куч» давлатларнинг жалб қилиш ва ишонтириш лаёқатини англатади. Агар «қаттиқ куч» давлатнинг ҳарбий ва иқтисодий қудратидан келиб чиқса, ва ўз мақсадига мажбурлаш ва тўлов (ҳақ) орқали эришилса, «юмшоқ куч»нинг бош қуроли – бу маданият, сиёсий кадриятлар ва давлат (ички ва ташқи) сиёсатининг жозибadorлигидир. Ушбу маънода «юмшоқ куч» («қаттиқ куч» элементларига нисбатан) истиқболли куч ўлчами ва сиёсат инструменти ҳисобланади. *Ички сиёсат ва халқаро муносабатларнинг бошқа субъектлари феъл-атвориға таъсир кўрсатиш орқали мақсадға эришиш қобилияти бу ҳам «юмшоқ куч»ға, ҳам «қаттиқ куч»ға хос умумий жиҳатдир.* Бирок, «юмшоқ куч»нинг ўзига хослиги – бу жозибador ғоя ва ижобий намуна орқали мойиллик ҳисини ёйишдир. Шунингдек, «юмшоқ куч»нинг объектини инсонлар «онги ва қалби» ташкил этади. Шу боис ҳам у «жозибador куч» сифатида таърифланади. Оммавий ахборот воситалари, ноҳукумат ташкилотлар, инсонпарварлик ёрдами, таълим дастурлари, «яхши кўшничилик сиёсати» ва ҳ.к.лар «юмшоқ куч»нинг ўзига хос инструменти ва кўринишлари ҳисобланади.

Я

Ядросиз ҳудуд – халқаро шартнома асосида ядровий қурооларни ишлаб чиқиш, жойлаштириш ҳамда синашни тақиқловчи режим ўрнатилган ҳудуд. Ядросиз ҳудуд халқаро (ялпи) ва минтақавий хавфсизликни таъминлашнинг муҳим воситаси ҳисобланади. Айни пайтда жаҳонда олти ядросиз ҳудуд мавжуд – Антарктика (Антарктика тўғрисидаги шартнома, 1959 й.), Африка (БМТ Бош Ассамблеяси Резолюцияси, 1961 й.), Лотин Америкаси (Лотин Америкасида ядро қуролини таъқиқлаш тўғрисидаги шартнома ёки Тлателолко шартномаси, 1967 й.), Жанубий Тинч океани ядросиз ҳудуди (Раратонга шартномаси, 1985 й.), Жанубий Шарқий Осиё ядросиз ҳудуди (Бангкок шартномаси, 1995 й.) ва Марказий Осиё ядросиз ҳудуди (Марказий Осиёда ядро қуролидан эркин ҳудудни яратиш тўғрисидаги шартнома, 2006 й.). Ядро қуролининг мавжуд бўлмаслиги ҳамда постсовет маконида «ядро қуроли устидан ягона назорат»нинг сақлаб қолиниши зарурияти (МДХни тузиш тўғрисидаги шартноманинг 7-моддаси) Марказий Осиёда минтақавий хавфсизликни таъминлашнинг муҳим шarti ҳисобланади. МДХ Давлат бошлиқлари кенгаши йиғилишида (6 июль 1992 й.) Ядро қуролини тарқатмаслик тўғрисидаги шартномага биноан, Россия СССРнинг меъросхўри сифатида эътироф этилди. Ядро қуроли жойлаштирилган собиқ иттифоқдош республикалар ўз ҳудудидаги мавжуд ядро қурооларини Россия Федерациясига тақдим этиш мажбуриятини олдилар. 1995 йилнинг баҳорига келиб ушбу жараён тугатилди. Марказий Осиё хавфсизлиги нуқтаи-назаридан минтақада ядро қуроли ва уни тайёрлаш учун зарур компонентларнинг мавжуд эмаслиги: 1) Марказий Осиёда ҳарбий-стратегик мувозанатнинг ўрнатилиши ва таъминланишини; 2) Марказий Осиёда ядро қуролидан эркин ҳудудни яратишга оид минтақа давлатлари ташаббусларини амалга оширилишида қулай шарт-шароитларнинг яратилишини; 3) террористик ташкилотларнинг ядро технологияларига эга бўлиш билан боғлиқ интилишларини бартараф этилишини кафолатлайди.

Ў

Ўзбекистон Республикасининг давлат чегараси – «Ўзбекистон Республикаси давлат чегараси тўғрисида»ги қонун давлат чегарасини - Ўзбекистон Республикаси ҳудуди доирасини (қуруқликда, сувда, ер остида, ҳаво бўшлигида) белгиловчи чизикдан ва бу чизик бўйлаб ўтувчи вертикал сатҳдан иборат, деб белгилайди. Давлат чегарасини белгилаш ва ўзгартириш Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларига асосан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан амалга оширилади. Ўзбекистон Марказий Осиёнинг географик маркази сифатида минтақанинг барча давлатлари билан умумий чегарага эга. Ўзбекистон Республикаси давлат чегараларининг узунлиги тахминан 7000 км ни ташкил этиб, шулардан: Қозоғистон билан 2376 км, Туркменистон – 1878 км, Тожикистон – 1283 км, Қирғизистон - 1295 км ҳамда Афғонистон – 156 кмга тўғри келади. Минтақада давлат чегаралари мақомини халқаро-ҳуқуқий расмийлаштириш билан боғлиқ жараённинг тугалланмаганлиги боис Ўзбекистон Республикаси давлат чегараларига оид маълумотлар яқиний эмас. Чегараларни делимитация ва демаркация қилиш жараёнида ушбу маълумотларга айрим ўзгартиришларнинг киритилиши эҳтимолдан ҳоли эмас. Бугунги кунга келиб, Ўзбекистон Республикаси давлат чегараларининг шартномавий-ҳуқуқий расмийлаштириш учта давлат – Афғонистон, Қозоғистон ва Туркменистон билан тугалланган. Афғонистон билан олдиндан имзоланган тегишли халқаро шартномалар ҳуқуқий ворисийлик асосида Ўзбекистон учун ўзининг юридик кучини сақлаб қолди. Қозоғистон ва Туркменистон билан давлат чегарасини делимитация ва демаркация қилиш бўйича тегишли шартномалар имзоланди. Тожикистон ва Қирғизистон билан давлат чегараларини делимитация қилиш жараёни яқунловчи босқичига кирди.

Ўзини-ўзи мудофаа қилиш ҳуқуқи – давлатнинг бошқа бир давлатнинг қуролли ҳужуми натижасида бузилган сиёсий мустақиллиги, ҳудудий яхлитлиги ва суверенитетини тиклаш мақсадида қуролли жавоб чораларини амалга оширишга бўлган ажралмас ҳуқуқи. БМТ Низомининг 51-моддасига мувофиқ, ўзини-ўзи мудофаа қилиш ҳуқуқи *«Ташиқлот Аъзосига қуролли ҳужум содир этилган тақдирда»*гина юзага келади ва икки шаклда амалга оширилади: индивидуал ва коллектив. Биринчи ҳолатда қуролли ҳужумга учраган давлатнинг ўзи томонидан амалга ошириладиган жавоб чоралари тўғрисида сўз кетса, иккинчи ҳолатда эса, халқаро шартнома ёки халқаро ташкилот доирасида амалга ошириладиган ҳамкорликдаги (коллектив) жавоб чоралари назарда тутилади. Ўзини-ўзи мудофаа қилиш ҳуқуқининг асосий талаби шундаки, мазкур ҳуқуқни амалга ошириш доирасида кўрилган чоралар

Хавфсизлик Кенгашига дарҳол маълум қилиниши ва БМТ Низомига мувофиқ
Хавфсизлик Кенгаши ваколатлари ва маъсулиятига дахл қилинмаслиги керак.

К

«Қаттиқ куч» (инг. «hard power») – (ҳарбий-сиёсий ва иқтисодий) куч босими орқали бошқа иштирокчиларнинг ҳулқ-атвори ва манфаатларига таъсир кўрсатиш қобилияти. «Қаттиқ куч» – бу бошқаларни ўз иродасига бўйсундириш мақсадида «қамчи ва ширин кулча» сиёсатини (давлатнинг ҳарбий ва иқтисодий қудратини) қўллаш имкониятидир (кичик Ж.Най). Куч инструментлари тизимида кучни намоёиш қилиш, ҳарбий қамал, қуроли аралашув, иқтисодий эмбарго ва бошқ. «қамчи» сиёсатининг намоён бўлиш шакллари бўлса, ҳарбий ҳимояни ваъда қилиш, савдо тўсиқларини камайтириш – «ширин кулча» сиёсатига мисол бўла олади. Қаранг: «*Юмишқ куч*».

Қуроли кучлар – давлатнинг мунтазам ва номунтазам ҳарбий қисмлари. Мунтазам қуроли кучлар давлат суверенитети, ҳудудий яхлитлиги ва конституциявий тузумини ташқи ҳарбий таҳдидлардан ҳимоя қилиш мақсадида давлат томонидан тузилади ва давлатнинг таъминотида бўлади. Номунтазам қуроли кучлар сифатида, одатда, кўнгиллилар, партизанлар ва кўзғолон кўтарган аҳоли тушунилади. Миллий давлатлар қуроли кучлари билан бир қаторда, халқаро ташкилотлар ҳам ўз қуроли кучларига эга бўлиши мумкин. Бирлашган қуроли кучлар, шунингдек, БМТ Низомининг 51-моддасига мувофиқ, ўзини-ўзи коллектив муҳофаа қилиш мақсадида халқаро ташкилотлар доирасида ҳам тузилиши мумкин.

Қуроли ҳужум – давлатнинг (ёки давлатлар гуруҳининг) БМТ Низоми қоидаларига зид равишда мунтазам ва иррегуляр кучлардан фойдалангани ҳолда бошқа давлатга нисбатан қуроли кучни қўллаши. Қуроли ҳужумга учраган давлат, БМТ Низомининг 51-моддасига мувофиқ, ўзини-ўзи муҳофаа қилиш ҳуқуқига, яъни агрессия актига нисбатан қуроли (жавоб) чораларини қўллаш ҳуқуқига эга бўлади. Қуроли (жавоб) чоралари икки ташкилий-ҳуқуқий шаклда амалга оширилади: якка ёки коллектив тартибда. Қуроли ҳужумни ташкил этувчи фаолият доираси 1974 йилда БМТ Бош Ассамблеяси томонидан қабул қилинган *Агрессия таърифининг* 3-моддасида қайд этилган. Унга кўра, бевосита ва билвосита агрессия ҳамда агрессияда иштирокчилик қуроли ҳужумни ташкил этади.

Ҳ

Ҳарбий база – ҳарбий-стратегик жиҳатдан қулай жойлашган ҳамда давлатнинг куч ва воситаларининг доимий ва муваққат жойлаштирилишини таъминловчи махсус жиҳозланган район. Ҳарбий база давлат ҳудудида ёки унинг ташқарисида барпо этилиши мумкин. Бошқа давлат ҳудудида жойлаштирилган ҳарбий база мақоми алоҳида ҳукуматлараро шартнома асосида белгиланади. Бу каби ҳарбий база, одатда, экстерриториаллик ҳуқуқидан фойдаланади, яъни унинг ҳарбий хизматчилари ҳарбий база жойлашган давлат юрисдикциясидан озод этилади. Айни пайтда, Марказий Осиё давлатлари ҳудудида хорижий давлатларнинг учта ҳарбий базаси мавжуд: Қирғизистон ва Тожикистонда жойлашган иккита ҳарбий база Россия Федерациясига, Қирғизистондаги Манас ҳарбий базаси АҚШга тегишли. Қирғиз Республикаси бир вақтнинг ўзида ҳам Россия, ҳам АҚШ ҳарбий базалари учун жой тақдим этган ягона давлат ҳисобланади.

Ҳарбий-сиёсий блок – бирор-бир давлатга ёки давлатлар гуруҳига қурроли қарши туриш мақсадида тузилган давлатларнинг ҳарбий-сиёсий уюшмаси. Мазкур атама икки мафкуравий тизим ҳукмрон бўлган «совуқ уруш» даврида кенг қўлланиб келинган. Ҳарбий-сиёсий блоклар, авваломбор, АҚШ/СССР ҳамда уларнинг иттифоқчилари тимсолидаги ҳарбий таҳдидни бартараф этиш мақсадида тузилган. Ушбу мазмунда, ҳарбий-сиёсий блокка «совуқ уруш» даври маҳсули ҳамда мазкур давр хусусиятини ўзида намоён этувчи ҳодиса сифатида қараш мумкин. Икки қутбли тизим билан бирга «душман тимсоли» ҳам барҳам топди: айрим ҳарбий-сиёсий блоклар (хусусан, Варшава шартномаси ташкилоти) тугатилди ёки бошқа минтақавий тузилмалар таркибига кирди (масалан, ГЕИ ЕИга), учинчилари эса (масалан, НАТО) трансформация жараёнини бошдан кечирмоқда. Ҳозирги даврда анъанавий ҳарбий-сиёсий блокларни тавсифлашда замонавий халқаро муносабатлар воқелигига мос келувчи «ҳарбий-сиёсий иттифоқ» атамаси кенг қўлланилмоқда. Қаранг: *Ҳарбий-сиёсий иттифоқ*.

Ҳарбий-сиёсий блокларда иштирок этмаслик принципи – миллий ва халқаро хавфсизлик ҳуқуқининг принципи бўлиб, «совуқ уруш» даври халқаро муносабатларининг маҳсули ва унинг ўзига хос хусусияти ҳисобланади. Айнан икки мафкуравий тизим ҳукмрон бўлган даврда блокларнинг қарама-қаршилиги ўзининг энг юксак даражасига етди. Ҳарбий-сиёсий соҳа бу рақобатнинг асосини ташкил этган бўлсада, бироқ қарама-қаршилиқ икки тизимнинг бутун «синиқ чизиғи» бўйлаб юз берди. Ҳарбий-сиёсий блоклар (масалан, НАТО, Варшава шартномаси ташкилоти, АНЗЮС, Ғарбий Европа иттифоқи ва б.) АҚШ/СССР ва уларнинг иттифоқчилари тимсолида юзага келиши мумкин

бўлган ҳарбий таҳдидларни бартараф этиш мақсадида ташкил этилди. Икки кутбли тизимнинг парчаланиши натижасида «душман тимсоли» ўзининг аввалги аҳамиятини йўқотди; анъанавий мудофаа иттифоқларининг мақсад ва вазибалари жиддий трансформацияга учради; уларнинг фаолияти бевосита ҳарбий-сиёсий ўлчам доирасидан чиқмоқда; улар БМТ Бош Ассамблеясида кузатувчи мақомига эга бўлдилар; улар, ЕИ, МДХ, АДТ, АИ билан бир қаторда, БМТ ва минтақавий ташкилотларнинг олий даражадаги учрашувларида мунтазам иштирок этмоқдалар. Мазкур принцип «Ўзбекистон Республикаси ташқи сиёсий фаолиятининг асосий принциплари тўғрисида»ги Қонуни ҳамда Ўзбекистон Республикасининг миллий хавфсизлик тўғрисидаги бошқа қонунчилик ҳужжатларида ўз тасдиғини топган.

Ҳарбий-сиёсий иттифоқ – БМТ Низомининг 51-моддасига мувофиқ, ўзини-ўзи коллектив мудофаа қилиш ҳуқуқини амалга ошириш мақсадида тузиладиган давлатларнинг шартномавий бирлашмаси. Ҳарбий-сиёсий иттифоқнинг бош мақсади аъзо-давлатларни ташқи ҳарбий таҳдидлардан ҳимоя қилиш ҳисобланади. Ҳарбий-сиёсий иттифоқлар ташкилий-ҳуқуқий жиҳатдан икки кўринишга эга: формал ва неформал, яъни халқаро ташкилотлар доирасида ҳамда шартнома асосида фаолият юритувчи ҳарбий-сиёсий иттифоқлар. Одатда, ҳарбий-сиёсий иттифоқлар минтақа даражасида фаолият олиб борадилар. Уларга НАТО, КХШТ, АНЗЮС ва бошқаларни киритиш мумкин. Бироқ, мазмунан БМТ Низомининг VIII бобига биноан минтақавий ташкилотлар сифатида кўрилмаган ҳарбий-сиёсий иттифоқлар бугунги кунда минтақавий ва халқаро хавфсизликни таъминлашнинг муҳим механизмларига айланиб бормоқда. Ҳозирда НАТО ва КХШТ – анъанавий ҳарбий-сиёсий иттифоқлар – ЕИ, МДХ, АДТ, АИ ва шу қабилар қаторида БМТ ва минтақавий ташкилотлар ўзаро учрашувларининг доимий иштирокчиси ҳисобланади. Қаранг: *Ҳарбий-сиёсий блок*.

Ҳудудий низо – давлатлар ўртасида муайян ҳудудни юридик тегишлилиги борасидаги халқаро низо. Ҳудудий низо ҳудуднинг бирор-бир қисмини юридик тегишлилигини белгилаб берувчи халқаро ҳуқуқ нормаларининг, улар хоҳ шартномавий, хоҳ одат нормалари бўлсин, мавжудлиги ёки уларнинг амал қилиши борасида томонларнинг турли ёндашувлари натижасида юзага келади. Ҳудудий низонинг тан олиниши юридик жиҳатдан кимга тегишлилиги аниқ ва қатъиян белгиланмаган муайян ҳудуднинг мавжудлигини тан олинишини ҳам англатади. Қачонки томонлар муайян ҳудуд ёки чегара чизиғи мавжудлигини тан олсалар, ва шу билан бирга, аниқ, айнан бир халқаро-ҳуқуқий норма ва ҳужжат борасида баҳсга киришсалар, ҳудудий низо эътироф этилган бўлади. Ҳудудий низода, одатда, ҳар бир томон муайян ҳудуд юридик жиҳатдан айнан унга тегишли эканлигини, зеро мазкур ҳудуд унинг ҳокимияти остидалигини

ёки шундай бўлганлигини ва ҳеч қандай асос унинг аксини тасдиқлаш учун етарли эмаслигини такидлайди. Давлат функцияларининг амалга оширилиши муҳим аргумент ҳисобланади. Агар томонларнинг келишмовчиликлари етарли даражада аниқ белгиланмаган ҳамда уларнинг нуқтаи-назарлари беқарор ва ўзгарувчан бўлса, у ҳолда ҳудудий низони мавжуд деб бўлмайди. Ҳудудий келишмовчиликларнинг барча кўринишлари ҳам уларни ҳудудий низо деб баҳолашга асос бўла олмайди. Бир томонлама ҳудудий даъво, яъни даъво қилаётган давлат чегара чизиғи ёки муайян ҳудуднинг тегишлилигини белгилаб берувчи мавжуд халқаро ҳуқуқ нормалари борасида баҳслашмасада, бироқ айрим сабабларга кўра ушбу ҳолатнинг ўзгартирилиши зарур деб ҳисобласа, бу каби даъво ҳудудий низони келтириб чиқармайди.

Ҳудудни демилитаризация қилиш – халқаро шартномага мувофиқ, муайян ҳудудда ҳарбий истехком ва иншоотларни тугатиш, ҳарбий база ва қуролли кучларни жойлаштиришни тақиқлаш. Мазкур халқаро-ҳуқуқий чорадан, хусусан, ҳудудий низоларни «музлатиб қўйиш» мақсадида фойдаланилади. Антарктика, Ой ва шу қабилар тўлиқ демилитаризация қилинган. Ядросиз ҳудудларни яратиш ҳудудни демилитаризация қилишнинг шаклларида бири ҳисобланади.

БОБОКУЛОВ И.И.

**БЕЗОПАСНОСТЬ
СЛОВАРЬ**

Бобокулов И.И. Безопасность. Словарь. - Т.: Университет мировой экономики и дипломатии, 2011. – 147 с.

Настоящий словарь содержит определения более 130 терминов и выражений, как широко используемых, так и относительно новых, в исследованиях безопасности. Термины и выражения расположены в алфавитном порядке. Словарь представляет собой одну из первых попыток систематизации понятий в отечественной науке о безопасности.

Словарь предназначен для студентов, соискателей, а также широкого круга читателей.

СОКРАЩЕНИЯ

АНЗЮС	- Австралия, Новая Зеландия и Соединенные Штаты Америка
АС	- Африканский союз
АТЦ СНГ	- Антитеррористический центр СНГ
БОМКА	- Программа по содействию управлению границами в Центральной Азии
ВОЗ	- Всемирная организация здравоохранения
ДКБ СНГ	- Договор о коллективной безопасности СНГ
ЕврАзЭС	- Евразийское экономическое сообщество
ЕС	- Европейский союз
ИНОГЕЙТ	- Программа межгосударственной транспортировки нефти и газа в Европу
КАДАП	- Программа по предотвращению распространения наркотиков в Центральной Азии
МФСА	- Международный фонд спасения Арала
НАТО	- Организация Североатлантического договора
ОАГ	- Организация Американских государств
ОАЕ	- Организация Африканского единства
ОБСЕ	- Организация по безопасности и сотрудничеству в Европе
ОДКБ	- Организация договора о коллективной безопасности
ООН	- Организация Объединенных Наций
ОЦАС	- Организация Центральноазиатского сотрудничества
РАТС	- Региональная антитеррористическая структура ШОС
ШОС	
СБСЕ	- Совещание по безопасности и сотрудничеству в Европе
СНГ	- Содружество независимых государств
ТРАСЕКА	- Проект транспортного коридора Европа-Кавказ-Азия
ЦАРИКЦ	- Центральноазиатский региональный информационно-координационный центр по борьбе с незаконным оборотом наркотиков
ШОС	- Шанхайская организация сотрудничества

УКАЗАТЕЛЬ СТАТЕЙ

А

Агрессия
Агрессия косвенная
Агрессия прямая
Агрессор
Актор
Альянс
АНЗЮС
Анклав

Б

Баланс сил
«Балканизация»
Безопасность
Безопасность государства
Безопасность личности
Безопасность общества
Безъядерная зона

В

«Вакуум безопасности»
Великие державы
Версальский договор
Вестфальский мир
Военная база
Военно-политический блок
Военно-политический союз
Вооруженное нападение
Вооруженные силы
Вызов

Г

Геноцид
Голлизм
Государственная граница
Государственная граница Республики
Узбекистан
Государство
«Гуманитарная интервенция»

Н

Нарушение мира
Национальная безопасность
Национальный интерес
Неделимость безопасности
Нейтралитет

О

Объект безопасности
Опасность
ОДКБ
ОБСЕ
НАТО
Основные принципы международного права

П

Пакт Бриана-Келлога
Партнерство ради мира
Политика с позиции силы
Право безопасности
Право международной безопасности
Право на самооборону
Право региональной безопасности
Превентивная самооборона
Превентивные меры
Превентивные удары
Принцип ути посидетис
Принцип запрещения применения силы или угрозы силой
Принцип неприкосновенности государственных границ
Принцип нерушимости границ
Принцип неучастия в военно-политических блоках
Принцип равной и одинаковой безопасности
«Провалившиеся государства»

Д

Делимитация границ
Демаркация границ
Демилитаризация границ
Демилитаризация территории
Десекуритизация
Дилемма безопасности
Доктрина безопасности
Доктрина Буша
Доктрина Вильсона
Доктрина Клинтона
Доктрина Монро
Доктрина Рейгана
Доктрина Трумэна
Доктрина Эйзенхауэра

Е

«Европейский концерт»
ЕС

И

Иран-контрас
Иррегулярные силы
Исследования безопасности

К

Коллективная безопасность
Коллективная оборона
Комплекс безопасности
Контактная группа «6+2»
Концепция безопасности
Концепция национальной безопасности
Кооперативная безопасность

Л

Лига Наций

М

Международная безопасность
Международное право и применение силы

Р

Регион
Регионализация
Регионализация безопасности
Регионализм
Регионализм в международном праве
Региональная безопасность
Региональные международные организации
Региональные механизмы коллективной безопасности
Режим безопасности
Риск

С

Секьюритизация
Система безопасности
Система региональной безопасности
Совет безопасности ООН
Согласование воле государств
СНГ
Сообщества безопасности
Статус-кво
Стратегические исследования
Субъект безопасности
Сфера безопасности

Т

«Твердая сила»
Территориальные разногласия
Территориальный спор
Трансграничные вызовы
Транснациональные акторы

У

Угроза
Угроза миру
